

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 24-may, shanba № 40-41 (15783)

## ЛАТВИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш 2014 йил 27—29 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф доирасида икки давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этадилар, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашадилар.

Музокаралар якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Ўзбекистон ва Латвия ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликка оид қатор ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН ИШБИЛАРМОНЛАРИ ХАЛҚАРО САНОАТ ЯРМАРКАСИДА

СИАН шаҳри, 23 май. ЎзА махсус мухбири Ирода УМАРОВА хабар қилади.

Хитойнинг Шаньси провинцияси Сиан шаҳрида 23 май куни Халқаро саноат ярмаркаси очилди. Унда Ўзбекистоннинг бир гуруҳ ишбилармонлари ҳам иштирок этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида саноат тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, экспортни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самарасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти юксалиб бормоқда. 2013 йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августдаги қарорига асосан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси бу соҳадаги ишларни янада ривожлантириш, мамлакатимиз корхоналарини экспорт фаолиятига жалб этиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга йўналтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида филиалларига эга бўлган мазкур жамғарма тадбиркорларнинг халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиши, чет эллик ҳамкорлар топиши ва шартномалар тузиши, хорижий давлатлар қонунчилигига мувофиқ лицензия ва сертификатлар, бошқа рухсатномалар олишида ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатмоқда. Жамғарма томонидан олтмишга яқин хорижий ташкилот билан ҳамкорлик ўрнатилгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўз маҳсулотларини экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Мазкур жамғарма кўмагида юртимиз ишлаб чиқарувчилари чет элларда ўтказилаётган йирик халқаро кўргазма-ярмаркаларда иштирок этиб, маҳсулотлари экспортнинг жўрофиясини кенгайтириш, харидорлар топиш ва шартномалар тузишга муваффақ бўлмоқда. Хитойда очилган Халқаро саноат ярмаркаси ҳам мамлакатимиз ишбилармонлари учун ана шундай имконият яратади.

(Давоми 3-саҳифада)



Рустам Назарматов олган суратлар

## КИТОБ БАЙРАМИ — МАЪНАВИЯТ БАЙРАМИ

**Китоб — инсон умрининг мазмуни.**

**Маънавият асоси. Кимки ёруғ манзилларни кўзлаган экан, у албатта, китобга, илмга меҳр қўяди. Бу 22-23 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳридаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида иккинчи бор ташкил этилган Республика «Китоб байрами»да яна бир бор ўз тасдиғини топди.**

«Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкама-

си, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Тошкент

шаҳар ҳокимлиги ва яна кўплаб мутасадди ташкилотлар томонидан анъанавий тарзда ҳар йили ташкил этилаётган мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад ўзбек тили ва адабиётини ривожлантириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтириш, оилавий китоб ўқиш анъаналарини тарғиб қилиш, ёшларни миллий адабиётга, она Ватанга юксак муҳаббат ва садоқат ру-

ҳида тарбиялашга ҳисса қўшишдан иборат.

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғига яқинлашаётганимиздаёқ у ердаги байрам шуқуҳи дилларимизга кўчди: ширинтой болажонлару кўзларида келажакка бўлган ишонч учқуни порлаб турган тенгдошларимиз, уларга ҳамроҳ ота-оналар, устоз ва мураббийлар, байрам қатнашчилари — ҳамма байрамона кайфиятда, барчанинг юзида табассум.

(Давоми 3-саҳифада)



## ■ Istiqlol imkoniyatlari ■

# УЛАР ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚЎШМОҚДА

## Тошкент давлат

*техника университети магистранти Саидолимхон Саидалиев ясаган қурилма қуёш нуридан электр энергияси ишлаб чиқариб, хонадонларга ёруғлик улашади.*

Пойтахтимиздаги «Ёшлар ижод саройи»да бўлиб ўтган «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам!» деб номланган кўргазмада ёшлар илгари сураётган инновацион ғоялар, ёш тадбиркорларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари, кўрсатаётган хизмат турлари, миллий хунармандчилик намуналари намойиш этилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши, иқтисодийёт бош бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур кўргазмада тижорат банклари вакиллари ҳам ўз фаолиятига оид маълумотлар билан иштирок этди.

Кўргазма павильонидан ишлаб чиқариш маҳсулотлари кенг ўрин олган. Масалан, «Magnum medical servis» корхонаси етмишга яқин тиббий асбоб-ускуналари билан қатнашаётган бўлса, Сергели туманидаги «Belief Maching» корхонаси сутни қайта ишловчи ҳамда чорва молларига озуқа-ем ишлаб чиқаришга мўлжалланган техникаларини тақлиф этмоқда. «Kapital Color» корхонасининг



ўндан ортиқ турдаги косметик маҳсулотлари ҳам ёшлар эътиборида. Кўргазмада ўзининг сут ва сут маҳсулотлари билан пойтахтликларга яхши таниш бўлган «Ибрагимов» хусусий корхонаси ҳам ўттизга яқин маҳсулот тури билан иштирок этмоқда. Корхона бош ҳисобчиси Зилола Бегалиеванинг айтишича, бир ойда ўттиз тонна сутни қайта ишловчи ушбу корхона ҳар йили тўрт-беш нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминламоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган имкониятлар натижасида

ёшлар орасида ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлганлар сафи йил сайин кенгайиб борапти. Севара Худойберганава ҳам коллеж битирувчилари учун ташкил этилган «Менинг бизнес ғоям» танловида қатнашиб, ўз бизнесини йўлга қўйди. Айни кунда тенгдошимиз Ҳамза туманидаги «Sevara-Unique» корхонаси раҳбари.

— Танлов орқали «Ипотекабанк»дан ўн тўққиз миллион сўмлик имтиёзли кредит олдим, — дейди Севара Худойберганава. — Кредит ёрдамида қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаряпмиз. Айни пайтда ўндан ортиқ тенгдошим иш билан банд.

Кредитни ҳам муддатидан олдин қайтардик. Келгусида фаолиятимни янада кенгайтириб, тенгдошларимни иш билан таъминламоқчиман.

Юртимизда болалар миллий ўйинчоқларини ишлаб чиқаришга ҳам кенг эътибор қаратилмоқда. Кўргазмада Равшан Урунбоев раҳбарлигидаги оилавий корхона ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Ушбу оилавий корхонада катта ҳажмдаги кўғирчоқлар, интерьер кўғирчоқлар, театр кўғирчоқлари, мультфильм қаҳрамонлари тайёрланади. Кўргазмага қўйилган турли номдаги уй ҳайвонлари, эшак-арава, учар от, миллий кўғирчоқ ва сўри-

да ўтирган ўзбек оиласининг нонушта қилаётган композицияси кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

— Биз ясаётган кўғирчоқлар миллий матолардан тайёрланади, — дейди Равшан Урунбоев. — Улар енгил, зарарсиз, ювсангиз ҳам сифати бузилмайди. Кўғирчоқларни турмуш ўртоғим Диана Баишева билан биргаликда тайёрлаймиз. Шогирдларимиз ҳам кўмақдош. Бундан ташқари, таълим муассасаларида болалар учун спектакллар намойиш этиб тураемиз. Сентябрь ойида «Ёшлар ижод саройи»да болаларни одоб-ахлоққа қақирувчи «Итоатсиз шумбола» спектакли намойиш этмоқчимиз. Бугунги кўргазма эса ёшларни, айниқса, ота-оналарни миллий кўғирчоқларимиз билан таништиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Кўргазма давомида «Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшлар учун кредит олиш имкониятлари ва талаблари», «Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун яратилган солиқ имтиёзлари ва улардан фойдаланиш тартиблари», «Божхона тўловларида тадбиркорлик субъектларига яратилган имтиёзлар ва боғхона хизматлари талаблари» ҳамда «Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш бўйича амалий кўникмалар» мавзуларида ўқув семинарлари ташкил этилди.

Кўргазма якунида Тошкент шаҳридаги биринчи ва иккинчи мурувват уйлари тарбияланувчиларига ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган турли маҳсулотлар совға сифатида тарқатилди. Шунингдек, кўргазмада фаол иштирок этган ёш тадбиркорлар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғаларига эга бўлишди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири.**  
*Носир Ҳайдаров олган суратлар*

## ■ «Kamolot» ko'zgusi ■

## «АЛ-ХОРАЗМИЙ ВОРИСЛАРИ» ФИНАЛДА

*Урганч шаҳридаги Огаҳий номидаги вилоят музикали драма театрида «Тафаккур синовлари» республика танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур танлов олий таълим муассасалари талабаларининг тарих, сиёсий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга қаратилган.*

Танловнинг минтақавий босқичида Нукус давлат педагогика институтининг «Мустақиллик ёшлари», Бухоро давлат тиббиёт институтининг «Ренессанс», Навоий давлат педагогика институтининг «Интеллект»

ҳамда Урганч давлат университетида «Ал-Хоразмий ворислари» жамоалари иштирок этди. Улар «Таништирув», «Ҳозиржавоб», «Саҳнада тафаккур синови», «Муаммо ва ечим», «Ёшларга оид қонунчилик — талаба-



лар нигоҳида» шартлари асосида ўзаро беллашди.

Натижаларга кўра, учинчи ўрин Нукус давлат педагогика институти, иккинчи ўрин Бухоро давлат тиббиёт институти талабаларига насиб этди. «Ал-Хоразмий ворислари» 1-ўринни қўлга киритиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Шунингдек, фаол иштирокчилар «Энг яхши билимдон», «Энг фаол

иштирокчи», «Энг яхши рассом» номинациялари бўйича тақдирланди. Уларга Ҳаракатнинг Хоразм вилояти кенгаши ҳамда Урганч давлат университети «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Шахло САФАШЕВА,**  
**«Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кенгаши етакчи мутахассиси**



# ЎЗБЕКИСТОН ИШБИЛАРМОНЛАРИ ХАЛҚАРО САНОАТ ЯРМАРКАСИДА

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш мақсадида илк бор ташкил этилган мазкур саноат ярмаркасида Канада, Германия, Италия, Испания, Ўзбекистон, Австрия, Венгрия, Кипр, Австралия, Филиппин, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Иордания, Эрон, Хиндистон, Қозоғистон, Туркменистон каби 35 мамлакатдан компания ва концернлар, саноат корхоналари ва савдо ташкилотлари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Сиан шаҳрининг Чюцзан халқаро кўргазмалар марказида ўтказилаётган ушбу нуфузли ярмаркада Ўзбекистон маҳсулотлари ўзига хос дизайни, рақобатбардошлиги ва кенг ассортиментни билан ажралиб турибди.

— Яратилаётган қулай имкониятлар туфайли мамлакатимизда ўз маҳсулотларини экспорт қилиш истагидаги ишбилармонлар тобора кўпайиб бормоқда, — дейди Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маркетинг тадқиқотлари ва ташқи бозорларни ўрганиш бўлими бошлиғи Камолитдин Нурматов. — Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда уларга ҳар томонлама қўмак беришга, йирик саноат ярмаркаларида иштирокини кенгайтиришга ҳаракат қилаймиз.

Мазкур халқаро ярмаркада мамлакатимизнинг машинасозлик, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ва картон-қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш, мебелсозлик, кўнчилик, кимё саноати, сармоя ва меҳмонхона хўжалиги каби тармоқларда фаолият юритаётган етмишдан ортиқ компания ва корхоналари иштирок этмоқда. «Yagona Hamkor Nuri», «Mumtoz Lyuks Tekstil», «Fabrika Namuna», «Pokizaxon», «Shukur Toji Baraka», «Nukus Agro», «Farg'ona Kimyo Zavodi», «Saxovat-Teks», «Xorazm Gilamlari», «Kinder Fruits», «NBU Invest Group», «Quva Qandolatlari», «Vodiy Muzqaymog'i», «Andburservis», «Istiqlol Sanoat Medservis» каби саноат муассасалари шулар жумласидандир.

— Корхонамиз мамлакатимизда етиштирилаётган турли ўсимликлардан, ёнғоқ, узум, ўрик ва бодом данакларидан ёғ ишлаб чиқаради, — дейди «Shukur Toji Baraka» хусусий корхонаси директорининг ўринбосари Неъматилла Каримов. — Ҳеч қандай кимёвий воситаларсиз тайёрланадиган, юқори сифатли маҳсулотларимиз хорижликларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мазкур ярмаркада ҳамкорлар топиб, ўз маҳсулотимизни чет элга экспорт қилиш ниятидамиз. Келгусида маҳсулотларимиз турини янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Хусусан, тиббиёт, пардоз-андоз ва қандолатчилик йўналишларида ишлатиладиган махсус кукунлар ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Биз, тадбиркорларнинг эркин ва муваффақиятли фаолият юритиши йўлида барча зарур шароит яратиб берилган учун Президентимиздан миннатдорمиз.

Ярмаркада мамлакатимиз тадбиркорлари томонидан намойиш этилаётган маҳсулотлар анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек, чет эллик ишбилармонларга Ўзбекистондаги қулай сарможий муҳит ҳақида маълумот берилмоқда.

— Ўзбекистоннинг саноат соҳасидаги улкан салоҳияти билан яқиндан танишдим, — дейди Хитойнинг Цзяоцзо шаҳри савдо ташкилоти раисининг ўринбосари Фу Шио Вен. — Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юксак сифати, ўзига хос дизайни ва халқаро андозаларга тўла мослиги билан бизга жуда манзур бўлди. Айниқса, «МММ» хусусий корхонасида тайёрланган гиламлар ҳавасимни тортди. Тўғриси айтсам, мўйна ва чармдан ишланган бундай гўзал гиламларни аввал учратмаган эдим. Ушбу корхона билан ҳамкорлик қилишга келишиб олдик.

Бугунги кунда мамлакатимизда юзлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотини «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи билан экспорт қилаётир. Мазкур Халқаро саноат ярмаркасида иштирок этаётган «Yagona Hamkor Nuri» корхонаси ҳам ана шундай саноат муассасаларидан.

— Тўла пахтадан бўлган трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз, — дейди корхона директори Санобар Носирова. — Маҳсулотларимизни бир неча мамлакатга экспорт қиламиз. Ушбу саноат ярмаркасида қатор хорижий ишбилармонлар билан музокара ўтказиб, ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги таклифларни ўрганипмиз.

Сиан халқаро саноат ярмаркаси турли мамлакатлар ишбилармонлари билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатиш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун яхши имкониятдир. Мамлакатимиз тадбиркорлари бундан самарали фойдаланиб, ўз маҳсулот ва хизматларини экспорт қилиш бўйича келишувларга эришмоқда.

Ярмарка 26 майга қадар давом этади.

ЎЗА



## КИТОБ БАЙРАМИ — МАЪНАВИЯТ БАЙРАМИ

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Сайил тарзида ташкил этилган Республика «Китоб байрами»га ташриф буюрган кишилар соҳада фаолият юритаётган етакчи нашриётлар томонидан ташкил этилган кўргазма стендларини томоша қилишмоқда. Шу билан бирга, боғнинг турли жойларига ўрнатилган мониторинг орқали намойиш этилаётган нашриётлар фаолиятини акс эттирувчи ҳамда китобхонлик маданияти тарғибига бағишланган видеолар ҳам байрамга тантанавор руҳ бағишляпти.

Истироҳат боғи марказидаги саҳна олдида меҳмонларни кўп илҳақ қилмай тантанали очилиш маросими ҳам бошланди. Худди бахшиларнинг достонларидагидек жарчиларнинг: «Эҳе-ҳе-ҳей-й, одамлару одамлар, эшитмадим деманглар!», — деган чорловию карнай-сурнай ва доиралар садо-си бутун боғни тутиб кетди... Эртақмонанд очилиш маросимидан сўнг Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги раҳбари Омонулло Юнусов ҳамда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али сўзга чиқиб, иштирокчиларни байрам билан табриқлади ҳамда инсоннинг энг яқин дўсти, сирдоши, вақти келганда ҳимоячиси, маслаҳатгўйи бўлган китоблар, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва ёшлар

тарбиясидаги аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирар эканлар, барчани «Китоб байрами»да фаол қатнашишга чорладилар.

Шундан сўнг байрам расман очиқ деб эълон қилинди. Боғ бўйлаб одимлар эканмиз, «Байрамингиз муборак бўлсин!», «Сизни ҳам байрам билан табриқлайман!» сингари қутловлар ҳар қадамда қулоғимизга чалинарди...

Сайилда ҳар бир нашриёт ўзининг барча ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган турли йўналишдаги китоблари билан иштирок этди. Йўлақлар бўйлаб нашриётларнинг ранг-баранг пуфаклар билан безатилган, бир-биридан қизиқарли, сермазмун китоблар терилган расталари турли ёшдаги китобсевар ўқувчилар билан гавжум.

**Раъно Пирмухамедова, «Шарқ» НМАК ўқув юртлари бўйича мутахассиси:**

— 22-23 май республикамиз бўйлаб «Китоб байрами» кунлари деб эълон қилинди. Нашриётимиз иккинчи маротаба бу байрамни нишонламоқда. Халқимиз бу байрамни катта қизиқиш билан кутиб олди. Чунки бугунги кунда айнан шу байрам орқали ҳам ўқувчиларимиз қайси нашриёт уйда қандай адабиётлар, нашрлар чоп этилаётгани ҳақида батафсил маълум олиш имкониятига эга бўлишмоқда. Тадбирнинг асосий вазифаларидан бири ҳам етти ёшдан ет-

миш ёшгача бўлган китобхонларни янгидан-янги адабиётлар билан таништиришдир.

**Шарифа Салимова, шоира:**

— Мен бугунги байрамни маънавияти бе-нихоя юксак халқимиз учун фавқулдда зарур байрам деб таърифлаган бўлар эдим. Инсон, айниқса, агар ўзини зиёли қатламга мансуб шахс деб билса, ҳаётини китобсиз тасаввур эта олмайди. Бундай кишилар китоблар оламида «яшайди» ва ана шу олам зиёли билан қалбларини бойитиб боришади. Инсон қалби илм билан қанчалик, ундан миллат, жамият шунчалик манфаатдор, яхшилик ва эзгулик учун хизмат қилади. Китоб кишини тарбиялайди. Уни кўнгилларнинг олтин калити дейиш мумкин. Бу калит ҳар қандай дилнинг қулфини очишга қодирдир. Қолаверса, яна бир инкор қилиб бўлмас ҳақиқат маълумки, барча улуг кишилар, алломалару номи жаҳонни тутган буюк инсонлар ҳаётига назар ташласак, уларнинг бунчалик шухратга эришишларида китоблар ниҳоятда катта ўрин тутганлигига амин бўлишимиз мумкин.

**Зилола Одинаева, Юнусобод туманидаги 9-мактаб АРМ раҳбари:**

— Бу каби китоб байрамлари бугунги кун ўқувчиларининг маънавиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Мактабимиз ўқувчиларига «Китоб байрами»га боришимизни эълон қилганимизда, улар бундан роса хурсанд бўлишди. «Китоб байрами»га боришимизни эшитган кўплаб оналар фарзандларига ҳамроҳ бўлиб келишди. Бу эса ота-оналаримизнинг ўз фарзандлари тарбияси, уларнинг келажаги ҳақида қайғуришларидан далолат беради.

**Саодат Турсунова, 3-синф ўқувчиси:**

— Мен эртақ китоблар

ўқишни яхши кўраман. Байрам менга жудаям ёқди. Шундай байрамлар тез-тез бўлиб туришини хоҳлайман. Бу байрамга ойим ва дадам билан бирга келдим. Улар бу ерда менга етти китоб олиб беришди. Энди уларни мазза қилиб ўқийман.

**Баҳодир Турсунов, Саодат Турсунованинг отаси:**

— Китоб ўқиш, билим олишга интилиш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Бунда биз, катталар шахсан ўзимиз ўсиб келаётган ёш авлодга ўрнак бўлишимиз зарур. 2013 йилдан бошлаб ҳар йили ташкил этилиши анъанага айланган «Китоб байрами»ни мазкур йўналишдаги янги қадам дейиш мумкин. Бугунги сайилга фарзандларимиз, яқинларимиз билан биргаликда келиб, ҳозирда чоп этилаётган янги нашрлар билан батафсил танишиш имконига эга бўлдик. Қолаверса, бу ерда севимли шоир ва адабларимиз билан бевосита мулоқот қилдик. Буларнинг барчаси, албатта, фарзандларимизнинг ҳар томонлама етуқ, баркамол ҳамда илмга ошно бўлиб вояга етишлари учун амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир.

Республика «Китоб байрами»да юртимизда фаолият юритаётган юздан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари сўнгги йилларда чоп этилган 250 дан ортиқ номдаги янги китоб маҳсулотлари билан фаол иштирок этишди.

«Китоб байрами» доирасида ижодий учрашувлар, турли мавзулардаги совринли интеллектуал викториналар ўтказилди. Сайилнинг янада қизиқарли тус олишида санъаткорлар, ёш иқтидорли хонандалару фольклор дасталарининг ижод намуналари ўзига хос ўрин тутди.

**Умида ИСМОИЛОВА, «Turkiston» муҳбири**

►► 2014 йил 1 май ҳолатига кўра, республикамизда 108 та нашриёт, 1750 та матбаа корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилган. Бу нашриётлар томонидан ҳар йили 2 минг номдан зиёд, умумий адади 40 миллион нусхадан ортиқ турли китоб маҳсулотлари нашр этилмоқда.



Фурқат Норматов:

# «КАМОЛОТ» ТАДБИРБОЗЛИККА

**«Turkiston» савол беради» лойихасида «Камолот» ёшлар ижтимоий харакати Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Фурқат Норматов иштирок этди. У мактабдаги сардорлар орасидан кимлар етакчи бўла олиши, намунали бошланғич ташкилотлар, вилоятда ёшлар қандай қилиб иш билан таъминланаётгани, «Камолот» уйлари қайси туманларда қурилиши, кредит олаётган ёш тадбиркорларнинг қизиқарли бизнес ғоялари, «маънавиятсизлик касаллиги»ни енгиш усуллари ва бошқа масалаларда ўз фикри ва муносабатини билдирди.**



— Шу ҳафтада Қашқадарёдаги «Лочин» оромгоҳида «Камалак» болалар ташкилотининг навбатдаги аъъанавий республика анжумани бўлиб ўтмоқда. Ҳозир «Камалак»нинг икки миллион нафарга яқин аъзоси бор. Кичкина рақам эмас, тўғрими? Болаларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ифода этиш ва ҳимоялаш ташкилотнинг асосий мақсадлари сирасига қиради. Ана шу мақсадни рўёбга чиқариш учун «Камалак» болалар ташкилоти қандай имкониятларга эга?

— «Камалак» болаларнинг уюшишига имкон яратади. Ҳаракатнинг вилоят кенгашига раис бўлишдан олдин уч йил болалар ташкилотиде фаолият юритганман. Бу ташкилотда ёшлар жўшиб ишлади. Таъбир жоиз бўлса, «Камолот»нинг негизи ҳам сардорлардан ташкил топган. «Камалак» болалар ташкилотининг аъъанавий республика анжуманини олайлик. Унда қатнашувчи сардорлар шундай таклиф ва ғоялар беришадик, баъзан ўзимиз ҳам ҳайрон қоламиз. Шундай ёшлар билан юртимиз келажаги порлоқ эканига шубҳа қилмайман. «Камалак»нинг болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган лойиҳалари бор. Бу борада, асосан, тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Ҳар йили Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция ҳамда мамлакатимизда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун юзасидан тарғибот лойиҳаси амалга оширилади. «Биз — чекишга қаршимиз!» акцияси, экологияга доир лойиҳаларда ҳам болаларнинг турли соҳадаги ҳуқуқлари тушунтирилади.

— Сардорлар кенгаши аъзоларининг таклиф ва ташаббуслари билан вилоятда йирик лойиҳалар амалга ошириляптими? (Муҳаммадjon Комилжонов, Бухоро шаҳри)

— Яқинда вилоят сардорлар кенгаши аъзоларининг ташаббуси билан «Қашқадарё ёшлари — соғлом келажак сари» деб номланган янги лойиҳани бошладик. У форум тарзида ташкил этилмоқда. Лойиҳа ёшларни турли бузғунчи ғоялардан асрашга қаратилган турли тадбирларни ўз ичига олган. Дастлаб бу тадбирлар мактабларда ўтказилди. Форумнинг якуни Қарши шаҳрида бўлиб ўтади.

— 2011 йилда бўлиб ўтган «Камолот» ёшлар ижтимоий харакатининг III Қурултойида ҳуқумат раҳбари ҳам қатнашиб, Ҳаракат фаолиятини янги босқичга кўтариш учун куйидаги масалага алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидлаганди: «Камолот» фақат тадбир ўтказадиган, қоғозбозликка берилган бюрократик ташкилот бўлиши керак эмас. Жойларда фақат тадбирларга ўралашиб қолмасдан ёшларнинг хохиш-истакларини, муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишда уларга амалий ёрдамчи ҳамда кўмакчи бўлиши лозим». Айни пайтда «Камолот»чилар шу фикрдан нечоғлик тўғри хулоса чиқара олди? Ўтган вақт мобайнида юқоридаги вазият ўзгарди-ми?

— Ҳақиқатан, фикрда жон бор. «Камолот» ёшларни бирлаштириб, уларни турли лойиҳа ва тадбирларга жалб этишда фаол иштирок этгани боис кўпчиликда, у фақат тадбир ўтказувчи ташкилот, деган қараш шаклланиб қолган эди. Лекин охириги йилларда вазият ўзгарди. Ҳозир ёшларга турли масалаларда амалий ёрдам кўрсатишда «Камолот» олдинги сафларда туриб ҳаракат қилмоқда. Масалан, ҳомий ташкилотлар билан келишиб оиласи кам таъминланган талабаларга шартнома пулини тўлашда имкон қадар кўмаклашяпмиз. Жорий ўқув йилида уч нафар талабага ёрдам бердик.

Мутахассислиги бўйича иш ишлаётган ёшлар ҳам бизга муурожаат қилишяпти. Ўтган йили турли лойиҳалар орқали 108 нафар ёшни доимий иш билан таъминладик. Ҳаракатнинг вилоят ва маҳаллий кенгашлари қошида «Бўш иш ўринлари бурчаклари» ташкил этилган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан ҳудудларда бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни олиб, шу бурчакларда жойлаштирамиз. Маълумотлар ҳар ойда янгиланади.

— «Камолот» жойларда ўтказилаётган турли тадбир ва лойиҳаларга ёшларнинг фақат бир қатлами, яъни мактаб, лицей, коллеж ҳамда олий ўқув юртлиридаги фаол ёшлар иштирок этмоқда ва улар, асосан, тадбир фонини «бойитиш» учун жалб этилаётгандек, назаримда. Муайян лойиҳа у ёқда турсин, ҳатто Ҳаракат тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлмаган ёшлар ҳам бор. Бу ҳолат, айниқса, вилоятнинг олис ҳудудларида учрайди. Ёшларни «Камолот» атрофига бирлаштириш учун вилоят кенгаши қандай чора-тадбирларни амалга оширмоқда?» (Наврўз Хусанов, Яқкабоғ тумани)

— Яхши савол. Очигини айтаман, вилоятнинг олис ҳудудларига етиб бормаётган лойиҳаларимиз бор. Шу нуқтаи назардан ҳар бир шаҳар ва туманда уюшмаган ёшлар учун алоҳида лойиҳалар ташкил этиш чораларини кўряпмиз. Бунинг учун фаолларимиздан иборат 7-12 кишилик «Зарбдор гуруҳлар» шакллантирилган. Улар олис ҳудудларга бориб тадбирлар ўтказиб келишади. Бундан ташқари, яқинда янги бир лойиҳани бошладик. Ҳар шанба куни Қарши шаҳри, шунингдек, вилоятнинг туман ва шаҳарларида «Смайл-шоу» тадбирлари ўтказилмоқда. Мазкур лойиҳа айнан уюшмаган ёшлар учун мўлжалланган.

Бунда улар ижодий қобилиятини намоён этишлари мумкин.

— Замонавий дунёда маънавий таназзулга юз тутаётган жамиятлар бор. Нима деб ўйлайсиз, бу глобал дунё учун хос жараёнми? «Маънавиятсизлик касаллиги»ни енгиш ёки бартараф этиш учун жамиятимиз қандай ресурсларга эга?

— Тўғри таъкидлагандиз. Чиндан ҳам маънавиятсизлик айрим жамиятларни емириб борапти. Ушбу офатга қарши миллий қадриятлар воситасида курашиш мумкин, деб ҳисоблайман. Бежиз эмаски, миллий қадриятларни сақлаш ва кейинги авлодларга етказиш масаласи давлатимиз диққат-марказида. Халқни халқ қилиб турадиган нарсаси маънавиятдир. Тарихга назар солсак, масалан, қудратли Рим империясининг барбод бўлишига ҳам аслида ахлоқий тубанлик сабаб бўлганди. Афсуски, ҳозирги кунда бундай ҳолатни «оммавий маданият» ниқобида ва бошқа шаклларда такроран кузатяпмиз. Халқимизнинг асл қадриятларини безавол сақлаб қолган ҳолдагина маънавиятсизлик билан кураша оламиз, деб ўйлайман.

— Фарзандни тарбиялаш ота-онанинг асосий бурчи. Маънавиятли қилиш-чи, бу ҳам оиланинг вазифасига қирадимми?

— Тўрт нафар фарзанднинг отаси сифатида айтаманки, болага тўғри тарбия бериш ва уни маънавиятли қилиб вояга етказиш, биринчи галда, ота-онанинг вазифаси, бурчи ҳисобланади. Ана ундан кейин бунга жамият, мактаб, маҳалла, ижтимоий ташкилотлар қўшилади.

— Ҳозир ёшлар интернетдан кенг фойдаланмоқда. Шахсан ўзингиз интернетнинг салбий таъсирларини нималарда кўрасиз?

— «Қувноқлар ва зукколар» беллашувида бир йигит шундай ҳазил қилганди: «Ҳозир интер-

нетдан фақат икки тоифадаги одамлар фойдаланмайди. Бу — ҳали дунёга келмаган чақалоқлар ва мархумлар». Қўполроқ жумлалар, лекин ҳақиқатга анча яқин. Юқорида маънавиятсизлик ҳақида гаплашдик. Миллий қадриятларимизга қарши қаратилган турли ёт ғоялар қаердан кириб келяпти? Интернетдан! Бугунги кунда юртимиз ёшлари орасида энг оммалашган onoklassniki.ru сайтини олинг. Унда айрим ўзбек ёшларининг гап-сўзларини фикрларини ўқисангиз, даҳшатга тушасиз. Баъзиларини салкам даҳо сифатида ҳис қилиб қолган. Тўғри, ҳаётда бундай эмас. Лекин виртуал оламда уларнинг маънавий қиёфаси мутлақо ўзгача. Хавотирли томони, мазкур ҳолат бора-бора боланинг реал ҳаётида акс этиб, руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

— Ёшларда ташаббускорлик қобилиятини шакллантириш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз? (Мафтуна Аҳматова, Бухоро тиббиёт коллежи ўқувчиси)

— «Камалак» болалар ташкилотиде ишлаганимда бир ҳолатни пайқаганман: синфдаги шўҳроқ, ўқишга унчалик иштиёки бўлмаган ўқувчилар жамоат ишларида аълочилардан кўра фаолроқ бўлади. Уларда етакчилик ва ташкилотчилик қобилияти нисбатан кучли. Мен сардорларни ана шундай болалардан танлардим. Шу баҳона уларнинг хулқи яхши томонга ўзгарди ва бошқа тенгдошларини ҳам ўз ортидан етакларди. Ёшларни жипслаштиришда ғоя муҳим аҳамиятга эга. Ғоя қанчалик, кучли, қизиқарли ва фойдали бўлса, шунчалик кўп ёш сизга эргашади.

— Сизнингча, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимида етакчи ёшларни тарбиялаш жараёни қандай механизм асосида амалга оширилмоғи даркор?

— Вилоят «Ёшлар маркази»да ҳозир саккизта клуб фаолият кўрсатмоқда. «Иқтидорли ёшлар клуби» ҳам бор. Бу ерга



# БЕРИЛГАН ТАШКИЛОТ ЭМАС»

жуда кўп ёшлар келади. Орасидан етакчи ёшлар тезда ажралиб қолади. Уларни ўн-ўн беш кишилик гуруҳга бўламиз. Клуб аъзолари турли лойиҳаларни ташкил этади, амалга оширади ва шу аснода етакчилик қобилиятини ривожлантириб боради.

— **«Камолот» ЁИХ туман кенгашларининг бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорлиги қай тартибда йўлга қўйилган?**

— Барча туман ва шаҳар кенгашлари бошланғич ташкилотлар билан узвий ҳамкорликда ишлайди. Бошланғич ташкилотларга доир муаммоларни ҳам айтиб ўтиш керак. Оғриқли нуқталардан бири етакчилар кўнимсизлиги муаммосидир. Баъзи етакчилар билан суҳбатлашганимда, улар вазифаси нимадан иборатлигини ҳам билмайди. Мен шундай фикрдаман: қаерда туман ёки шаҳар кенгаши бошланғич ташкилотлар билан суҳбатлашса, етакчиларнинг савияси, ўз ишига муносабатиям шунга яраша бўлади. Етакчиларнинг салоҳиятини ошириш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарда учтадан намунавий бошланғич ташкилот танлаб олинган. Улар моддий-техник жиҳатдан тўлиқ таъминланган бошланғич ташкилотлардир. Ҳар икки-уч ойда бир мартаба шу бошланғич ташкилотларда ўқув семинари ўтказилиб, етакчилар ўзаро тажриба алмашади. Қачонки етакчи бошланғич ташкилот ишини юргизаман, деб ўзи

истаб ташкилотга келса, кўйи тизимлар фаолиятида муаммо бўлмайди. Етакчининг ўзида хоҳиш бўлмас экан, унга минг шароит яратмайлик, бирибири иш унмайди.

— **«Менинг бизнес гоям» ва «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» лойиҳаларида вилоят ёшларининг ютуқларини қандай баҳолайсиз? (Абдурауф Отамуродов, Бухоро муҳандислик-технология институти талабаси)**

— Қашқадарёлик ёшларда тадбиркорликка қизиқиш катта. Шу боис улар ушбу лойиҳаларда фаол қатнашапти. Яқинда вилоятимиздан уч нафар коллеж битирувчиси «Менинг бизнес гоям» танловининг республика босқичида ғолиб бўлди. Биттаси матрас ишлаб чиқариш учун имтиёзли кредит олди. Мен қойил қолдим. Чунки ўйлаб қарасак, вилоятда бундай маҳсулот ишлаб чиқарувчи борортаям қорхона йўқ. Демак, ҳозир ёшлар ўзи яшайдиган ҳудудда ҳали мавжуд бўлмаган тадбиркорлик йўналишларини танлаб, ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйяпти.

— **Kamolot.uz сайтида яқинда вилоятдаги 31 нафар ёш тадбиркорга банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилганини ўқиб қолдим. Бу ишлар яна давом этадими? (Яккабоғ туманидан коллеж битирувчиси)**

— Ҳар уч ойда бир марта тадбиркорликка қизиқувчи ёшларни йиғиб, банк вакиллари иштирокида бизнес

режаларини кўриб чиқамиз ва муносибларига банкдан паст фоизларда кредит олишига кўмаклашамиз. Бу Ҳаракатнинг тадбиркорлик соҳасидаги анъанавий лойиҳаларидан ташқари қилинаётган иш. Шундай қилиб, жорий йилнинг биринчи чорагида ўн беш нафар ёшга кредит ажратилди. Навбатдаги гуруҳ июль ойида маълум бўлади.

— **Гаров таъминотида эга бўлмаган ёшларга тижорат банкларидан кредит олишда «Камолот» кафиллик қила оладими, умуман, бу борада Ҳаракат қандай амалий ёрдам кўрсатиши мумкин? (Жаҳонбек Жовлиев, Қарши шаҳри)**

— Афсуски, «Камолот» кафиллик қила олмайди. Банкнинг талаблари бор. Масалан, кафил бўлувчи ташкилот ишлаб чиқариш ёки тижорий фаолият билан шуғулланиши, соликдан қарздорлиги бўлмаслиги керак ва ҳоказо. Бу масалани жуда яхши ўрганиб чиққанмиз. Чунки туманларда ёшлар билан ўтказилган учрашувларда кўпчилик худди шу масала билан бизга мурожаат қилган. Лекин гаровга кўядиган мулк бўлмаган айрим ёшларга туман ҳокимликлари томонидан ёрдам берилди. Ўзимиз ҳам имкон даражасида, асосан, оилавий шароити қийин бўлган ёшларнинг банкдан кредит олишлари учун ҳамкор ташкилотларни кафил сифатида жалб қилишга Ҳаракат қиялдамиз.

— **Бу йил «Камолот» уйлари қайси туманларда қуриш режалаштирилган? (Элбек Арзиқулов, Қарши шаҳри)**

— Биринчи навбатда, Муборак туманидаги «Дўстлик» маҳалласи, Шаҳрисабздаги Камолот кўчаси ҳамда Қаршидаги Навоий кўчасида «Камолот» уйлари қурилади. Уларни 1 ноябргача фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

— **Қашқадарё вилоятида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз. (Алишер Қудратов, «Камолот» ЁИХ Қамали тумани кенгаши бош мутахассиси)**

— Президентимизнинг 2013 йил 25 июндаги қарорига мувофиқ, «Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш Дастури» қабул қилинган. Шу мақсадларга катта маблағ йўналтирилди. 2015 йилгача етмишта янги уйлари қуриш режалаштириляпти. Бундан ташқари, йўллар қайтадан қурилади, сув, канализация таъминоти янгиланади. Бунёдкорлик ишлари Шаҳрисабз шаҳрида ҳам бошланган. Кўпгина тарихий обидалар қайта таъмирланиб, йўллар, тураржой массивлари, кўчалар замонавий қиёфага

келтирилмоқда.

— **Бу жараёнда ёшларнинг иштироки қандай?**

— Албатта, қурилиш ишларида ёшларни ҳам жалб этаймиз. Биринчи навбатда, «Бунёдкор» меҳнат ҳаракати орқали. Ёз ойларида лойиҳа доирасида талабалардан ташқари, ўн минг нафарга яқин коллеж ўқувчиси меҳнат фаолиятини олиб боради. 730 нафар уюшмаган ёшдан иборат яна ўн тўққизта «Бунёдкор» меҳнат гуруҳини ташкил этдик. Улар қишлоқ жойларда намунали уй-жойларни қуришда қатнашапти.

— **Қонуний никоҳдан ўтмай оила қураётган ёшлар бор. Ушбу ҳолатнинг олдини олиш бўйича қандай чора-тадбирлар кўряпсиз? (Хуршид Хонимов, Қамали тумани)**

— Мазкур ҳолат ёшлар орасида кўп учраяпти, деёлмайман. Шунга қарамай, Адлия бошқармаси ҳодимлари, диний идоралар вакиллари билан бу масалани назоратга олганмиз. Маҳаллаларда тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Туман имом-хатибларига ҳам ёшлар қонуний никоҳдан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳномани қўлига олмагунча никоҳ ўқитмаслиги қатъий тайинланган. Масалан, яқинда Ғузур туманида шаръий никоҳдан ўтиб яшаётган бир қанча ёш келин-кўев ФХДдан никоҳ хатларини олишди.

— **Бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари замон талабларига мос равишда реконструкция қилинди, янгидан қурилди ва керакли жиҳозлар билан таъминланди. Бироқ туманларда вақти-вақти билан электр энергияси чеклаб турилади. Шунинг натижасида ўқувчилар информатика дарсларини амалий жиҳатдан ўта олмаяпти. «Камолот» мазкур муаммони ҳал этиш чораларини кўряпми? (Наврўз Хусанов, Яккабоғ тумани)**

— Жорий йил февраль ойида барча туманларда «Ҳоким ва ёшлар» учрашувлари ўтказилди. Сиз айтган муаммо ҳам тилга олинган эди. Шу муносабат билан вилоят ҳокимлигига таклиф киритганимиздан кейин дарс пайтида электр энергиясини узиш ҳолатларига чек қўйилди.

— **Ёзги таътилда ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилиш мақсадида қандай лойиҳаларни режалаштиргансиз? (Умидбек Сафаров, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси)**

— Вилоятда 29 та ёзги оромгоҳ мавжуд. Ёз ойларида «Бунёдкор» меҳнат ҳаракати доирасида оромгоҳларда етакчиларимиз тарбиячи сифатида фаолият кўрсатишлари

мумкин. Ҳозир 150 нафар талабани саралаб, улар учун ўқувлар ташкил этаймиз.

— **Ҳаракат томонидан ёшлар учун ҳар хил танловлар ташкиллаштирилмоқда. Агар сизга имкон берилса, қайсиларида иштирок етган бўлардингиз? (Шаҳноза Тажимуратова, Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 3-академик лицей ўқувчиси)**

— «Аждодлар мероси — келажак пойдевори», «Сиз қонун биласизми?» танловларида, албатта, қатнашган бўлардим. Эҳтимол, тарихчи бўлганим учундир. Аслида ҳар қайси лойиҳа ёки тадбирни ташкиллаштириш, унда ўзинг ҳам қатнашгандек гап.

— **Республикамизда «Камолот» музейини очишни таклиф қиламан. Шу орқали кўплаб ёшлар 13 йил давомида Ҳаракат томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ёрқин маълумотга эга бўларди. Сиз шу таклифга қандай муносабат билдирасиз? (Мадина Мирзааҳмедова, «Камолот» ЁИХ Бекобод шаҳри кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» координатори)**

— Менимча, бугунги суҳбатимизда билдирилган энг қизиқарли таклиф шу бўлди. «Камолот» музейини ташкил этиш гоёси шахсан ўзимга жуда ёқди.

•••••  
 ••••• **Суҳбатдошимиз Бухоро тиббиёт коллежи ўқувчиси Мафтуна Аҳматованинг ёшларда ташаббускорлик қобилиятини шакллантириш ҳақидаги саволини энг яхши савол ҳамда Бекобод шаҳридан Мадина Мирзааҳмедованинг «Камолот» музейини ташкил этишга оид таклифини энг яхши таклиф, деб топди. Савол ва таклиф муаллифларига «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгашининг эсдалик совғалари тақдим этилди.**

••••• **Фурқат Норматов билан интервьюнинг тўлиқ вариантини [www.kamolot.uz](http://www.kamolot.uz) ҳамда**

••••• **[www.turkiston.uz](http://www.turkiston.uz) сайтларида онлайн видео шаклида томоша қилишингиз мумкин.**

••••• **«Turkiston» савол беради» лойиҳаси доирасидаги навбатдаги учрашув 2014 йил 5 июнь куни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгаши раиси Козим Тожиёв билан бўлиб ўтади.**

••••• **Наргиза УМАРОВА, «Turkiston» муҳбири. Рустам Назарматов олган сурат.**

## Блиц-саволлар:

- **Қайси ҳолларда ёлғон гапирасиз?**
- Ёлғон гапиролмайман. Билдириб қўяман, барибир.
- **Нимадан кўпроқ афсусланасиз?**
- Зое кетган вақтимдан.
- **Устун жиҳатингиз нимада?**
- Билмадим.
- **Заиф томонингиз-чи?**
- Ишонувчанман.
- **Ёқтирган адибларингиздан учтасининг номини айтинг?**
- Александр Дюма, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов.
- **Иш фаолиятида қайси китоб ёки асарга кўпроқ мурожаат қиласиз?**
- Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига.
- **Севимли композиторингиз ким?**
- Йўқ.
- **Қайси тарихий шахслар билан замондош бўлишни хоҳлардингиз?**
- Амир Темур.
- **Инсонда қайси фазилатни кўпроқ қадрлайсиз?**
- Одамийликни.
- **Қайси камчиликни осон кечирасиз?**
- Билмай туриб қилинган хатони.
- **Нимани ҳеч қачон кечира олмайсиз?**
- Мунофиқликни.
- **Бу учрашувда сиз кутган, лекин берилмай қолган савол борми?**
- Барча саволлардан кўнглим тўлди.



# ИМКОНИАТЛАР ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

«Mit.uz — миллий интернет  
танлови» давом этади



Ўтган йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Mit.uz — миллий интернет танлови»ни ўтказанидан хабарингиз бор. Танлов тафсилотлари билан танишган, голибларни телевизорда кўргандирсиз ҳам. Ишонамизки, сиз ҳам интернетга бегона эмассиз ва «қанийди, мен ҳам совриндорлар сафида бўлсам», дея уларга ҳавас қилгансиз. Кўнглингизда ҳалиям ўша ҳавас, орзу бўлса, хурсанд бўлаверинг! Бу йил «Mit.uz — миллий интернет танлови» яна ташкил этилмоқда.

— Миллий интернет танловимиз бу йил бошқача бўлади, — дейди Ҳаракат Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова. — Бу галги танловда янги йўналишлар, талаблар мавжуд. Голибларга эса катта имтиёзлар берилади.

Тўғриси, бу гап бизни жудаям қизиқтириб қўйди ва танловдаги янгилигу ўзгартирилган ҳақида билишга ошиқдик. «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши матбуот хизмати бўлими мудири Маъмур Баёнов билан суҳбатимиз шу ҳақда кечди.

— Маъмур ака, бугунги кунда «Mit.uz — миллий интернет танлови» ўз атрофида кўплаб иқтидорли, ташаббускор ёшларни бирлаштираётир. Бунда ёшлар ташкилоти, яъни сизларнинг хизматингиз катта...

— Раҳмат.

— Айтинг-чи, мазкур танловни ташкиллаштириш гоёси қандай пайдо бўлган?

— Биласизми, биз, «Камолот»чилар доим янги гоё ва фикрларни ёшлар орасидан излаймиз. Ушбу танлов ўтказилишини ҳам ёшлар жуда хоҳлаганди. «Биз буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида ўтказиб келинаётган фестивал доирасида бир неча марта таклифлар ҳам беришган эди. «Mit.uz — миллий интернет танлови» ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган бўлди. Унда интернет ҳудудида фаолият кўрсатаётган ёшларнинг меҳнати муносиб тақдирланади.

— Демак, ушбу танловни ўтказишдан асосий мақсад — миллий доменда фаолият кўрсатувчи ёшларнинг ишини муносиб рағбатлантириш. Шундайми?

— Шундай. Аммо бу танловнинг устувор мақсади эмас. Биз интернетда нафақат соғлом ахборот ҳудудини яратмоқчимиз, балки ахборот муҳитини шакллантиришда кўмаклашадиган сифатли интернет лойиҳаларини оммалаштириб, ёшлар сегментини янада кенгайтирмоқчимиз. Ўтган йилги мусобақада 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган минг нафардан ортиқ йигит-қиз қатнашди. Uz домени веб-ресурсларидан ташқари, хорижий доменларда

## «TURKISTON» МАЪЛУМОТНОМАСИ

Ҳозир республикаимизда Uz доменида рўйхатдан ўтган фаол веб-сайтлар сони 17959 та. Бу — йил бошига таққослаганда 692 та кўп дегани. Шундан 250 дан ошиқ сайтлар электрон оммавий ахборот воситаларидир. Эслатиб ўтамиз, айна пайтда ўтган йилги миллий интернет танловида голиб бўлган сайтларнинг деярли барчаси фаолият кўрсатмоқда.

жойлаштирилган 225 та сайт намойиш этилди. Энг яхши ишлар тўққизта асосий ва бешта кўшимча йўналишлар бўйича сараланди. Тан олиш керакки, биз танлов қатнашчиларидан юқори натижаларни кутмагандик, яъни илк бора ўтказиладиган беллашувда, албатта, камчиликлар бўлади, дея ўйладик. Натижа, умуман бошқача бўлди. Деярли барчаси кучли, малакали мутахассислар ҳамда замонавий интернет талабларига жавоб берадиган веб-сайтлар муаллифи экан. Бу юртимизда соғлом, рақобатбардош миллий интернет тизимининг ривожланаётганидан дарак беради. Шу боис бу йилги танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар ҳам ошади.

— Масалан...

— Энди танлов иштирокчиларининг ижодий ишлари учта — мазмундорлик ва интерфаоллик, дизайн ва кулайлик ҳамда функционаллик, технологик имконият ва хавфсизлик талаблари бўйича баҳоланади. Сайтлар ушбу талабларга жавоб бериши керак, яъни мазмунли, интерфаол, дизайни чиройли, фойдаланишга қулай, техник жиҳатдан хавфсиз бўлиши лозим. Ҳакамлар ҳайъати кучли мутахассислар. Улар сайтларни таҳлил қилади, баҳолайди. Танлов

қўмитасига ҳисобот топширадилар.

Ҳозир ташкилотнинг ҳудудий бўлимларида иштирокчилардан анкеталар қабул қилинапти. Биз 25 апрелдан 1 июлгача анкеталарни тўплаймиз. Сўнг танлов қатнашчиларини саралаш бошланади. Мазкур танловнинг ўтган йилдагидан фарқи шундаки, биз онлайн анкеталар ҳам жорий қилдик. www.mit.uz сайтидаги анкеталарни электрон шаклда тўлдириб, тўғридан-тўғри Ҳаракатнинг Марказий Кенгашига жўнатиш имконияти мавжуд.

— Бу иштирокчилар учун ҳам қулай, ҳам осон. Аммо яқинда газетамизга бир муштарийдан сайтидаги онлайн анкетани тўлдириш имконияти бўлмапти, деган хабар келди. Текшириб кўрсак, чиндан ҳам шундай: «тўлдириш тўхтатилди», деган ёзув чикди. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Анкетани интернет хизмати орқали қабул қилиш жараёни давом этаётир. Ҳозир баъзи техник сабабларга кўра сайтдан анкетани электрон шаклда тўлдириш имкони мавжуд эмас. Бироқ, бу вақтинчалик ҳолат, муаммо узоққа чўзилмайди.

— Эшитимизча, миллий интернет танловнинг асосий ва кўшимча номинациялари ўзгарибди?

— Ҳа, шунақа. Бу йилги танлов ўн та асосий йўналишдан иборат. Улар — «Соғлом бола йили» мазмунига доир энг яхши сайт, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарлар акс этган энг яхши фотосурат, ёшлар иштирокида ўзбек мумтоз шеърини ва адабиётини кенг тарғиб этган энг яхши ролик, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти акс этган энг яхши сайт, Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти акс этган энг яхши сайт, энг яхши янгиликлар сайти, энг яхши тахлилий сайт ва Ўзбекистоннинг табиати ва тарихий ёдгорликлари акс этган, компьютер ва бошқа электрон ускуналарга ўрнатишга мўлжалланган интернет тармоғидаги энг яхши фотожамланма. Танловнинг кўшимча бешта йўналиши эса тўрттага камайди. Фойдаланувчилар фикрига кўра, энг яхши сайт номинацияси олиб таш-

ланди. Эътибор берган бўлсангиз, танлов йўналишлари ранг-баранг, бири-бирини такрорламайди. Бу ёшларимизга ҳам маъқул бўлишига ишонамиз.

— Танловда номинациялар жуда кўп экан. Балки шуни учта — электрон оммавий ахборот воситалари бўйича энг яхши сайт, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатувчи энг яхши веб-ресурслар ва фойдаланувчиларнинг фикри бўйича энг яхши сайтлар йўналишларига бўлиш керакдир?

— «Mit.uz — миллий интернет танлови» ўтказилаётганига бу йил икки йил бўлади. Балки кейинчалик айтганингиздек бўлар, номинацияларни камайтирармиз. Аммо бугун танлов учун кўп йўналишлар бўйича голиблар керак. Чунки биз шу орқали қобилиятли ёшларни ҳам рағбатлантириб, ҳам саралаб оламиз.

— Ўтган йили айрим тенгдошларимиз «Mit.uz — миллий интернет танлови» ташкил этилганидан беҳабар эдик, бўлмаса, албатта, унда қатнашган бўлардик, дейишди. Жорий йил танлов ҳақида беҳабарларни боҳабарга айлантириш учун қандай чора-тадбирлар кўрилади?

— Айни кунларда республикаимизнинг ҳар бир гўшасида Ҳаракат томонидан «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида фестиваллар ўтказилаётир. Фестивал доирасида миллий интернет танлови тарғиботи ҳам ташкил этилмоқда. Жараёнда ёшларнинг танловда иштирок этишига бўлган қизиқишини кўриб севинаяпмиз. Шунингдек, беллашув ҳақида оммавий ахборот воситаларида ҳам эълонлар берилаяпти.

— Танлов қатнашчиларидан қандай натижаларни кутаяпсизлар?

— Иштирокчилардан ҳайратимизга ҳайрат қўшадиган, танлов талабларига тўла жавоб берадиган ва миллий интернет ҳудудимизга янгиликлар олиб кира оладиган ижодий ишларни кутаяпмиз.

— Танлов голибларига қанақадир имтиёзлар борлиги ҳақида ҳам эшитдик. Айнан қандай имтиёз?..

— Буниси сир бўлгани яхшироқ. Бироқ, катта имтиёзлар бўлиши аниқ.

— Айтганча, миллий интернет танловининг тақдирлаш маросими қачон бўлади?

— Жорий йилнинг сентябрида ўтказилиши режалаштирилган.

«Turkiston» муҳбири  
Кумар БЕГНИЯЗОВА суҳбатлашди

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўтган 2013 йилда мамлакатимиз ўзи танлаб олган ва оғишмай илгарилаб бораётган тараққиёт йўлидан яна бир довон ошди. Мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилишлари маҳсули бўлган ютуқ ва муваффақиятларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан янада кенг эътироф этилди.

Тараққиётнинг ўзбекона йўли, тарих ва истикбол кесишган чорраҳалар, миллий қадриятларимиз ривожини, халқимиз ҳаётидаги янгиланишлар, хусусан, «Обод турмуш йили» Дав-

## Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2013» танлови давом этади

лат дастури доирасида амалга оширилган ишлар оммавий ахборот воситалари фаолияти ва журналистлар ижодида устувор ўрин тутди.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2013 йилнинг 1 июнидан 2014 йилнинг 1 июнигача газета ва журналлар-

да, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга тахририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифининг иш жойи, телефо-

ни, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» танлови голиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.



Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Тошкент шаҳри, 100129,  
Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон

Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават,  
30-, 35-хоналар.

Телефонлар: 244-64-61;  
244-37-87.

www.journalist.uz



■ *Ist'odli yoshlar — yurt kelajagi* ■

# ИЗЛАНИШДАН ТЎХТАМАЙМАН

— дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби Шоҳрух Абдурасулов

*Ўзбекистон телеканалларида намоиш этилаётган кино ва спектаклларни томоша қилар экан, ҳали ўспиринлик шавқи вужудидан кетмаган Шоҳрух биринчи марта айрим актёрлар ижросида сохталикни сезгандай бўлди.*

— Манави артист бу жойда кўп кулиб юборди, — деди у экрандан кўз узмай. — Кулгиси чиройли экан-у, сал сохта куларкан...

Шундан сўнг у оила аъзолари билан бирга кўраётгани эсига тушиб, бирдан жиммиб қолди. Эҳтимол, у танқид қилаётган актёрни бошқалар ёқтирар. Нега бировлар яхши кўрадиган санъаткорни у танқид қилапти. Бу нотўғри эмасми?

Кўп ўтмай, мактабда байрам тадбири бўлди. Унда ўқувчилар саҳна кўриниши тайёрлашганди. Авваллари эътибор қилмаган экан, баъзи синфдошлари шундай рўл ўйнар эканки, худди кинодагидек. Яна баъзиларининг ижроларида ортиқча ҳаракатлар кўзга ташланар, яна айримлари сўзларни нотўғри талаффуз қиларди. «Нега ҳамма бирдай зўр ўйнолмайди?» — дея савол берди ўзига-ўзи. Лекин жавобини тополмади.

Бу Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 4-курс талабаси, 2013-2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби Шоҳрух Абдурасуловнинг санъатшуносликка бўлган қизиқиш куртаклари отаётган пайтлар эди.

— Ўша саволингизга жавоб топдингизми? — сўраймиз Шоҳрухдан. У жилмайди.

— Аслида бу саволни ҳаваскорлар саҳнасига қараб қўймаслик керак экан, — дейди у ўша жилмайиш билан. — Аммо жавоб топдим. Ҳаммаси оддий

экан, кимда истеъдод ва касбига меҳр бўлса, ўз ишига сидқидилдан ёндашса, унинг ўйнаган роли ҳам табиий, таъсирчан бўлади.

Санъатни тушуниш инсондан алоҳида тайёргарлик, билим ва савия талаб этади. Бироқ тушуниш, ҳис қила олиш билан уни бировга англаштириш, шарҳлаб бериш орасида фарқ бор-да. Бунинг учун ҳаммага ҳам насиб этавермайди-ган қобилият керак. Шоҳрух Абдурасуловда ана шундай қобилият бор. Энг муҳими, унинг бу иқтидори устозларига яхши маълум. Улар Шоҳрухдан кўп нарсани кутишарди.

Мустақиллик йилларида юртимизда санъат ва маданият соҳасида ислохотлар қилинди. Маданият масканлари моддий-техник базаси яхшиланди. Янгиланишлар баробарида саҳна асарларига бўлган талаб ҳам ўзгарди. Бу бугунги замон кино ва театр муҳлисининг дунёқарашини, дид-савиясини билан ҳам боғлиқ.

Театр инсон руҳияти, ҳаётий кечинмалари, маънавий-эстетик оламини образлар орқали акс эттирар экан, бу борада спектаклнинг адабий асосига катта вазифалар қўйилиши бежиз эмас.

Шоҳрух Абдурасулов «Замонавий ўзбек театрида инсценировка амалиёти: адабий ва саҳнавий ечим муаммолари» мавзусида тадқиқот олиб борар экан, саҳна асарларининг ҳақиқий санъат талабларига қандай жавоб бераётгани, бугунги ўзбек драматургиясидаги жараёнлар ҳақида ҳам тўхталди. Биз ундан нега айнан шу мавзунини танлагани билан қизиқамиз.

— Мустақиллик йилларида юртимиз театрида драма, трагедия ва комедия жанридаги икки юздан зиёд асар инсценировкаси саҳналаштирилди. Ҳар йили театрларимизда 160 дан зиёд спектакл саҳналаштирилади. Уларнинг салмоқли қисми инсценировка экани мени қизиқтириб қолди, — дейди ёш тадқиқотчи. — Кўпинча ҳаёлимизда жонланган севимли асар қаҳрамонларини ўз тасаввуримизда яратамиз. Баъзида бундай асарлар саҳналаштирилса, ўз

жозибасини йўқотади, деб ўйлаймиз. Аслида саҳна асарлари жонли ижрода янги умрини яшай бошлайди. Тарихда кўпчилик машҳур ёзувчилар асар жозибасини саҳна ёки кино сақлаб қололмади деб уни пьеса шаклида ёзмаганлар. Машҳур ёзувчи, адабиёт бўйича Нобел мукофоти соҳиби Габриэл Гарсиа Маркес «Ёлғизликнинг юз йили» романини фильм қилишга қарши бўлган ёки кўп асарлари саҳналаштирилган Чингиз Айтматов пьеса ёзмаган. Демак, инсценировка драматургия тақчиллигида зарурат эмас, балки маънавият билан, бадиий дид ва саводхонлик билан боғлиқ ҳодисадир. Натигада бу жараён драматургларни янада фаоллаштириш, шоир ва ёзувчилар билан ижодий мулоқот қилишга ундайди.

Театрда саҳна асарларига талабнинг ортиб бориш жараёнини таҳлил этар экан, Шоҳрух Абдурасулов саҳнада иккинчи умрини кўраётган бадиий асарларнинг инсценировка вариантларига мурожаат қилади. Инсценировка нимага керак? Бу саволга жавоб топиш учун у пойтахтимиз театрида 2009 — 2014 йиллар мобайнида саҳналаштирилган насрий асарларнинг саҳна талқинини танлайди.

— Инсценировка туфайли учта саволга жавоб топамиз, — дейди Шоҳрух. — Биринчидан, яхши драмалар тақчиллиги пайтида насрий асарларга бўлган эҳтиёж қопланади, иккинчидан, мазкур жараён китобхонлик маданияти юксалишига хизмат қилади, бунда бадиий асарларни тарғиб қилиш функцияси пайдо бўлади. Учинчидан, саҳна асарлари орқали театр ўз олдига қўйган ижтимоий вазифаларни адо этган бўлади.

Шоҳрух илмий тадқиқот билан чекланиб қолгани йўқ. Унинг фаолияти серкирра. Таҳсил давомида институт ва шаҳар, республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда фаол иштирок этган. «Камолот» ЁИХ институт бошланғич ташкилотидан «Иқтидорли талабалар» йўналиши сардори. Ўтган йили пойтахтимизда ўтказилган



«Бадиий ижод муаммолари», «Таълим, экран ва эфир маданияти» каби илмий-амалий анжуманларда иштирок этиб, мақолалари конференция тўпламида нашр этилди. Театр, кино санъатидаги долзарб мавзудаги мақолалари газета ва журналларда чоп этилган.

— Интилишларим Президент стипендиясига муносиб кўрилгани, мамлакатимизда Юртбошимиз томонидан биз, ёшларга қаратилаётган юксак ғамхўрлик ва эътиборнинг бир намунаси, деб ўйлайман, — дейди Шоҳрух Абдурасулов. — Келгусида илмий тадқиқотимни давом эттириб, ўзбек санъати ривожига ҳисса қўшишни мақсад қилганман. Бу мақсадимга эришишда бугун бизга яратиб берилган имконият ва шароитлар қанот бўлишига ишонаман.

Ҳаракатдан толмайдиган, интилувчан инсонга ҳамиша омад кулиб боқадди. Биз ҳам Шоҳрухга келгуси ишларида бундан-да катта муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,**  
«Turkiston» мухбири

## ЭЪТИБОРДАН ИЛҲОМ ОЛГАН ҚИЗ

*Тасвирий санъат намуналарини кузатар экансиз, беихтиёр ажиб дунёга кирганингизни сезмай қоласиз. Бу соҳага меҳрини, умрини бағишлаган инсонлар эса дунёнинг гўзал томонларини кўришга, уни расмларида акс эттириб, бу гўзалликни барча билан бўлишига интилади. Ўзига яраша машаққати, заҳмати бўлган бу соҳа эшигини фақат ҳақиқий санъат шайдолари қоқадди.*

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтини тасвирий санъат факультети «Дастгоҳли ва китоб графикаси» таълим йўналиши 2-курс магистранти Чарос Пайзиева ҳам ана шундай интилувчан тенгдошларимиздан бири.

Чарос болалигидан тасвирий санъатга меҳр қўйди. Мактабда ўқиб юрган кезларида бир қатор фан олимпиадалари ва кўрик-танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритди. «Бўладиган бола бошидан маълум» деганларидек, у ёшлигидан санъатнинг бу турига шахдам қадамлар билан кириб келди.

— Устозим — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар му-

раббийи, таниқли рассом Ҳикмат Жалилов раҳбарлигида тасвирий санъат сирларини ўргандим, — дейди фахр билан Чарос.

— Эришган қатор ютуқларимни кўриб, ота-онам қўллаб қувватлади. Асарларимни бошлашдан олдин онам билан маслаҳатлашаман. Интилишларим ва ҳаракатларим бесамар кетмади.

Ёш рассом турли хил кўргазма-танловларда иштирок этиб, ютуқларга эришди. Жумладан, 2008 йилда «Навқирон Ўзбекистон» III анъанавий ва замонавий санъат фестивалида сертификат билан тақдирланди.

2009 йилда Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган



«Устоз ва шогирд» кўргазмасида фаол иштироки учун диплом билан тақдирланди. Ўша йилнинг ўзида «Тасвирий санъат ҳафталиги»да «Энг яхши миниатюра асари» йўналиши бўйича диплом соҳиби бўлди.

Чароснинг интилишлари муносиб баҳоланди, у 2010-2011 ўқув йилида Навоий номидаги давлат стипендияси

савриндори бўлди.

Ёш иқтидор эгаси Чарос изланишдан чарчамайди. Устозларининг насиҳатларига қатъий амал қилади. Янгидан-янги гоёлар устида изланади. Ҳар бир асар устида узоқ муддат меҳнат қилади. Унинг «Афлотун», «Менинг она шахрим», «Менинг маҳаллам» каби асарлари кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди.

Чарос Пайзиева жорий йилда маданият, санъат ва спорт мутахассислиги бўйича Президент стипендияси соҳиби бўлди.

— Ўша куни голиблар қаторида турар эканман, кўзимда севинч ёшлари қалқиди. Доимо эътиборда бўлиш нақадар ёқимли. Ҳукуматимиз томонидан яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар мен ва тенгдошларимни қувонтиради. Ютуқларимда оиламнинг, устозларимнинг катта меҳнати бор, — дейди ёш иқтидор эгаси.

Ҳозирги кунда ёш рассом «Тарих саҳнасида аёл сиймоси, амалий ва назарий таҳлили» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда. Унда иштиёқ ва шижоат жуда баланд.

Ёш ижодкор Чарос бундан кейинги фаолиятини Тўмарис, Нодирабегим, Увайсий каби тарихий сиймоларни яратиб, жаҳон кўргазма залларида намоён этиш ва Ўзбекистонда яратилган асарларни дунёга танитишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш ниятида.

**Шаҳло АБДУҚАЮМОВА,**  
«Turkiston» мухбири



# Сўнги кўнғирок



## 25 май ҳаяжонлари

*Сўнги кўнғирок... Уни яхши кўраман. Сўнги кўнғирокнинг чалиниши юрагимга титроқ, алмақандай ғашлик солса-да, мен уни сабрсизлик билан, ширин энтиқим билан кўтганман.*



Атрофга боқаман: кимнингдир кўзида ҳалқа-ҳалқа ёш, хаёллари паришон. Негаки, бугун тўққиз йиллик синфдошлар — қаддонлар тўққиз йиллик шўхликларини, эркаликларини мактаб бағрига қолдириб, уни тарқ этяптилар.

Мактаб кучоғида кечган масрур дақиқалар, мўъжазгина синфхоналар, сабоқ берган устозлар билан хайрлашмоқ нақадар оғир. Синфдошларнинг парталар оша «самолётчалар»да севги мактувларининг «учиб» келиши, гоҳ пинҳона, гоҳ ошқорча бўлган биринчи муҳаббатлар.

Мана, ҳозир ҳам сўнги кўнғирок чалинапти. Унинг жаранги мени олис хотираларга бошлаб кетди.

Синфдош қизларнинг ҳафсала билан тугган эсдалик дафтларлари. Қай бир йигитнинг китмирили қилиб уни олиб қочгани... Буларнинг бари кейинчалик қалб дастарига муҳрланиб қолмади биткилар...

... Юқори синфда ўқирдик. Ирода синфимиздаги энг жиддий, энг аълочи, энг чи-

ройли қиз эди. Ўқиси ўрта-миёна Алишер уни пинҳона ёқтириб юрарди. Фақатгина жўраси Асад айёр ундан хабардор эди. У овозини Алишерга ўхшатиб Иродага телефон қилди: «Мен сени яхши кўраман, лекин буни ўзинга айттолмайман. Сен менга ёқсан».

Эртасига бўлган томошадан ҳамма хайратда. Синф жимжит эди, ўқувчилар дарсга тайёрланиб ўқитувчини кутаётганди. Бу жимликни Ироданинг Алишерни юзига тортган тарсакиннинг овози бузди. Ҳамма овоз келган томонга қаради. Ҳеч ким ҳеч нарсанга тушунмади.

Кизнинг узун-узун бармоқларининг изи Алишернинг оқ-сарик, силлик юзига ёмон билан қолди — шолғомдек кизариб кетди.

Ҳам жаҳл, ҳам хижолатдан Алишер ўзини кўрага жой тополмади.

— Мен нима қилдим санга? — деди Иродага.

— Узининг гўллиқка солма, бундан кейин телефон қилма, эшитдингми? — деди Ирода мағрур.

— Бундай китмирлик кўлидан келишини билган Алишер унинг олдига келиб сўради:

— Тўғриси айт, жўра, сен телефон қилдингми унга?

Асад лом-мим демади, юзини китоб орасига яшириб мириқиб қолди.

Шунга ўхшаган воқеалар мактаб ҳаётимизда кўп содир бўлиб туради.

Бугун биз, собиқ синфдошлар учрашиб қолсак, шуларни албатта эслаб кула-миз. Бир-биримиз билан аразлашиб қолсак, устозларимиз яраштириб кўради — бағри, феъли кенг эди.

Уларнинг бу хислатларини энди-энди пайқагандек бўламиз, меҳр билан эсла-миз, меҳра дарё эканликларига тин берамиз.

Яна сўнги кўнғирок чалинапти. Атрофга қарайман. Ўқувчилар ҳаяжондан энтиқиб кетяпти. Ахир, бу лаҳзалардек энтиқмай бўладими?! Мактабни тамомлаётган ёшларга ҳавас билан боқаман. Қаршимда турган битирувчиларнинг нигоҳида шижоат, ишонч, интилиш ва келажаққа умид

ёлқинлиниб турибди. Навқирон йигит-қизларнинг кўнглидан қандай туйғулар ўтаётганини хис қиламан...

Улар катта ҳаёт остонасига қадам қўймоққа шай туришибди. Бугун уларга қараб шундай дегим келди: Азиз битирувчи, шу йиллар ичида бир-бирингиз билан қадрдон бўлиб қолдингиз. Гоҳида нонингизни бўлишиб, гоҳида шодлик, ташвишингизни бўлишингиз — қадрдон бўлиб қолдингиз. Ҳа, тўғри, баъзида йигитлар қизларнинг сочи-ни партага бойлаган, яна, қизларнинг юзига билдирмай ойнача тўғриллаган, хуллас, бегараз шўхликлар қилишган. Чунки ўғил бола табиатан шўх бўлади-да, шунинг учун қизларнинг хигига тегишни яхши кўришган. Улар ҳозир чин юракдан қизлардан бу ишлари учун кеҳирим сўрамоққа тайёр туришибди. Қизлар, чунки улар сизни яхши кўришди. Йиллар ўтса-да, бир-бирингизнинг дийдорингиз дийдангизга дур бўлиб инсин, таассуротларингиз эслаганда қалбингизга нур бўлиб кирсин. Устозларингизга эслаб туринг. Уларни йўқламоқ, эсламоқ, меҳр кўрсатмоқ қарзидир...

**Майсара НАЗАРОВА, «Turkiston» мухбири**

## Қандай ўқувчи бўлгансиз?

*Ишончимиз комил, бу саволга қўнғиллик, мен яхши ўқувчи бўлганман, деб жавоб беради! Ахир, ким ҳам ўзининг «айб»ларини ошкор қилгиси келарди? Ҳазил, албатта. Сиз ҳеч қачон бундай жавоб бермайсиз. Чунки сиз яхши ўқувчи бўлмагансиз, балки зўр ўқувчи бўлгансиз, тўғрими? Майли, бу гами-мизиям ҳазил ўрнида қабул қилинг. Ахир, 25 май яқинлашяпти! О, бу айёғининг сеҳрини! Ширин хотиралар, синфдош қизлар, синфдош болалар... Ҳўш, сўхбатдошларимиз қандай ўқувчи бўлган экан? Биз бу саволга яна иккита савол қўшиб, таниқли кишиларга юзландик. Ўйлаймизки, уларнинг жавоблари сизни бефарқ қолдирмайди.*



**Ҳилол Насимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, кинорежиссёр:**

1. Мактабда шўх, тўполончи, дангал бола эдим. Дарсда ҳеч тинч ўтиролмасдим, бир қизларнинг сочини тортсам ҳам, устозларим мени яхши кўришарди. Чунки барча фанлардан аъло баҳога ўқирдим-да.

2. Ўйлашимча, аълочи ўқувчи учун ҳеч қайси фан қийин эмас. Бирор фандан қийналиб ёки ёмон баҳо олганимни эслай олмайман. Менга физика ҳам, кимё ҳам, адабиёт ҳам бирдек ёқарди. Ҳар бир фан ўзига хос, ранг-баранг эди.

3. Ўқувчиликда орзуларим осмон қадар бўлган. Ҳатто ўртоқларим мени «ажойиб хаёлпараст», дейишарди. Катта бўлсам, кинода рўл ўйнайман, режиссёр бўламан, десам роса устимдан кулишарди. Баъзан орзуим катталашса, чиндан хаёлпарастман-а, дея ўзимдан уялиб кетардим.

Хаёлпарастлик ҳам яхши экан-да, мана, бугун орзуларимга бирин-кетин эришяпман. Шукрки, кино санъатида фаолият кўрсатиб, халқимизга хизмат қилаяпман. Айтганча, еттинчи синфда ўқиётим, бир жарроҳ бўлишни хоҳлаб қолгандим. Энди эсладим, жарроҳлик ушалмаган орзуимга айланган экан.

**Сарвар Ашуоров, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Республика «Камалак» болалар ташкилоти раиси:**



1. Мактабда «беш» ва «тўрт» баҳога ўқиганман. Интизомли ўқувчи эдим, дарсдан қочмасдим. Ота-онам мени бир йил олдин мактабга беришган. Ўзимдан катта ака ва опалар билан бир синфда ўқишни хоҳламай, аввалига улардан бироз бегонасираддим. Кейинчалик бошланғич синф ўқитувчим дарсда нуқул самолёт ясаб ўтирардим, деб айтиб берган. Бора-бора синфдошларимга кўнидим.

2. Қайсидир фандан қийналганимни эслолмайман. Лекин энг яхши кўрган фаним бор эди — математика. Ҳатто уйда акам алгебрадан бирор масала-мисол ечишда қийналиб қолса, мендан ёрдам сўрарди. Аммо геометриядан нисбатан сустроқ ўқирдим. География, тарих, умуман олганда, барча ижтимоий фанларга қизиқишим банд эди. Ҳуқуқ ва географиядан фан олимпиадаларида ҳам иштирок этганман. 9-синфдан кейин Китоб туманидаги 2-ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган мактабда тахсил олдим.

3. Ҳалиям эслайман, синф журналининг орқасида ҳар бир ўқувчининг келажда қайси касб эгаси бўлиши ҳақида ёзиб қўйиларди. Мен фақат учувчи бўламан, дердим. Синфда бирортаям боланинг орзуси меникига ўхшамасди. Учувчи бўлганимдан ҳозир сира афсусланмайман. Шунга қарамай, иккита мутахассислигини эгаллашга муваффақ бўлдим — социология ва молия.

Фурсатдан фойдаланиб, бу йил мактабни тамомлаётган барча битирувчиларни табриқлайман. Келажакда яхши инсон бўлиб етишишларига тилақдошман. Шунингдек, Китоб туманидаги 41-умумтаълим мактабида менга сабоқ берган барча устозларимга ҳамда мактабнинг бугунги педагогик жамоасига баркамол авлодини тарбиялаш йўлидаги фидокорона меҳнатлари учун каттадан-катта раҳмат дейман.

да эмасдир, дедик ва қайтиб кетишга ҳам чоғландик. Лекин бунга ҳеч кимнинг «юраги дов бермади».

Билмадим, беш дақиқалар туриб қолдикми. Бир пайт дераза «шарқ» этиб очилиб, Фаёзнинг қоп-қора бети кўринди. Ҳаммамиз жилмайиб ва недир умидворлик билан унга қарадик. Лекин гапиришига улгурмадик.

— Ҳа?! — деди Фаёз иягани бир кўтариб олиб. — Нимага келдиларинг? Мен соппа-соғман, билдиларингми?

Бундай «манзират» бировимизнинг тушимизга ҳам кирмаган эди. Анграйиб қолдик.

— Сизларга айтаяпман, мен касал эмасман, тушундиларингми? Бу Фаёзжоннинг бизга бераётган «руҳсат»и эди.

— Э, ўл-е, — деди Анвар, у хазилакш ва журъатлироқ эди. — Номаяқул еб мактабга бормаяпсанми? Эртага Сожида муаллим билан Фарҳод муаллимдан кўраллик билан юртасан, сен бахонакаш! Шуни айтгани келувдик...

Фарҳод муаллимнинг номини эшитиб, Фаёзбой анча пасга тушди.

— Ҳазиллашяпман, хумпар, — деди у кулмисираб. — Икки кундан бери мана бу ерим оғрийди. Дарс қилишга ўтирсам бўлди, оғрийверади...

Шундай деб у олдимизга келди. «Касал» билан кўришаётганимизда унинг онани ҳам ҳамсоясиникидан чиқиб келарди.

— Келинлар, балларим, — деди у тугилган жойи шевасида. — Манинг баламни кўргани кепсилар-да, барак топиллар.

Фаёзларникида кўп ўтирмадик. Бир-икки соат ўтиргандай бўлди-у, уй-уйимизга жўнадик. Тўртинчи синфни тугатаётган, баъзи фанлардан имтиҳон топширишимиз керак эди, чоғи. Бу-гун аник сана эсимда йўқ, эҳтимол, ўшанда 25 май яқинимиди...

**Элмурод НИШОНОВ**

## РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ

- 9739 та умумтаълим мактаби** — ҳозирги кунда юртимизда фаолият кўрсатмоқда.
- 501564 нафар ўқувчи** — 2013-2014 ўқув йилида мактабнинг 9-синфини тамомлайди.
- 381 та мактабда** — жорий ўқув йилида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.
- 55 та болалар мусика ва санъат мактаби** — фойдаланишга топширилди.
- 112 та болалар спорт объекти** — қурил-

- ди ва таъмирланди.
- 211 та «Баркамол авлод» болалар ижодий маркази** — мамлакатимиз мактабдан ташқари таълим тизимини ташкил этилган.
- 50 нафар ўқувчи** — 2014 йилда турли халқро фар ва санъат танловларида ғолиб бўлди.
- 533845 нафар ўқувчига** — республика-миз умумтаълим мактабларида илк мартада чет тиллари 1-синфдан бошлаб ўқитилди.

# Фаёз синфдошнинг сабоғи

*Биринчи синфда синфдошимиз Тўлқуби касал бўлиб қолди. Эсимда йўқ, шамоллаганидир ё баъзи ўқувчилар тез-тез чалиниб турадиغان «болаларча қангасалик» касалидир, ишқилиб, синфдош қизимиз икки кун дарсга келмади. Ўқитувчимиз Сожида она меҳрибон аёл. Бизни Тўлқубини кўриб келишга чндади.*

Шу пайтгача касал кўришга бормаган эдик. Бу биз учун янглик бўлди ва ўн еттига чуғуриқ дарсдан чиқиб Губувларникига (аълочи қиз Гулбувини биз, синфдошлар шундай атардик) «бостириб» бордик. Губувнинг онаси Рўқия опа қувноқ аёл. Бизни очик чеҳра билан кутиб олди. Палов қилиб берди. Ош пишунча ҳовлига чиқиб роса «бозор» қилдик. (Бугун уйласам, ушанда бозор эмас, ҳаммани «бозор» қилган эканмиз). Касал бўлиб ётган Гулбувининг ўзиям биз билан тўйиб-тўйиб ўйнаб олди.

Ўйин-ўйин билан кечгача ўтириб-миз. У ёқда қуёш ботаверди, бу ёқда биз судралиб уй-уйимизга таркадик.

Яна бир-икки ой ўтиб, энди синфимизнинг яна бир аълочили-ридан Шамсиддин шомоллаб қолди. Дарсга келмади. Уша кунни индамадик. Иккинчи кун кимдир ҳам (ўйинқароқ Жонибекмиди, ўзига пишқ Ахрормиди) ўқитувчимизга: «Муаллим, Шамсиддин кўргани қачон борамиз?» деб сўради. Гулбувини кўргани бо-риб, ошаб келган паловимиз таъ-ми ҳаммамизнинг оғзимизда қолган эканми, бошқалар ҳам шу саволни бера бошлади.

— Муаллим, борайлик, Шам хафа бўлади.

— Мен Шамларнинг уйини би-сламан. Одина бобонинг уйининг орқасида.

— Одина бобонинг уйининг орқасида? Мен бормайман, Оди-на бобонинг кучуги ёмон экан, одам зотини ўтказмасан.

Сожида муаллим рўқасининг орқаси билан партани «тақиллат-ди»:

— Жим! Дарс тугасин, гапла-шамиз!

# Раҳмат сизга, устозлар



*Ўқувчилик пайтида қачон қайта бўламиз-у, кунда мактабга қайнаб, мураккаб масала-мисоллар ва ботқа чўи вазифаларини бажаришдан қўтқуламиз, деб сабрсизлик қилардик. Баъзан қайсидир фан ёки ўқитувчидан кўнғиллик тўлмас, гоҳ устозларнинг танбах беришлари ёқмасди. Ёшлигимизга борардик-да. Аслида ўша болалик даври, мактабда ўқиб юрган кезларимиз энг ағроқли давлар бўлган экан.*

Орадан йиллар ўтди... Энди мактабимни эсласам, биринчи галда, жонқуяр устозларим кўз ўнгимдан ўтади. Физика, математика, геогра-фия, она тили ва адабиёт, инглиз тили... Бирон фан йўқки, ундан дарс берган ўқитувчини ҳозир ҳурмат билан тилга олмасам.

Физикадан лаборатория машғулотлари билан тилга олмасам. «Сюрприз»ларга бой бўларди. Диффузия ҳодисасини доскада бўр билан қизиб эмас, шу бўрни парчалаб сочиб юбориш орқали болага осонгина тушунти-риш мумкинлигини ҳали-ҳамон ўқа-сингилларимга завқланиб гапириб берарман. Мактабдаги физика дарсларидан олган энг ёрқин хотирала-римдан бири ҳам шу. Раҳматли ўқитувчимиз Абдусалом Тоиров қайси мавзуда машғулот ўтмасин, бор куч-гайратини ишга соларди, ўзини аямасди. Ана шундай «жонли» дарслари туфайли физикадан қўшимча машғулотларга бутун синф бўлиб борардик. Фан олимпиадасида қат-нашиш учун билим олиш ботида рақобатлашганимиз ҳам рост. Ҳам-маси ўқитувчимизнинг фидокорона меҳнати туфайлидир.

Географиядан уйи вазифасини бажармай келишдан ҳамма чўчирди. Устознинг саволига жавоб беролмаган ёки харитадан сўралган ма-ма-лакатни кўрсата олмаган ўқувчи таёқ билан калтак ёйиши тайин эди-да. Шунга қарамай, ҳеч ким ўқитувчига тик қоқиб гап қайтармас, айби-ни тан олиб, иккинчи сафар ҳатосини такоррлашмаслиққа ҳаракат қилар-ди. Ўша сабоқ ва ўғитлар ҳаётимизда қанчалик асқотаётганини ҳозир турли касб ва лавозимларда ишлаётган синфдошларим бот-бот тилга олишди.

Иншо ёзишни кўпчилик ёқтирмасда-да, аммо ўқитувчимизнинг та-лабчанлиги ҳеч кимга тиним бермасди. Шу сабаб биз ёзувда илло хатолар қилмаслиққа, чиرويли ва равон гап тузишга ўргандик. Эсим-да, она тили ва адабиёт ўқитувчимиз Раъно опа доскага бирор мақо-лни атайин тиниш белгиларсиз ёзарди. Биз қаерда қайси тиниш бел-гиси ва нима учун қўйилиши кераклигини изоҳи билан айтишимиз керак бўлган. Тўғри жавоб берган ўқувчи, албатта, «беш» баҳо билан рағбатлантирилари. Устоз шу усулни кўп қўллаган. Мана энди меҳ-натлари ўз мевасини бермоқда. Мени ҳар кўрганда «Журналист қизим-дан айланай», дея хурсандчиликдан юзи ёришиб кетади.

Битирувчи синфмиз. Ўқув йили охирида қолган. Информатика дарсларидан бирида ўқитувчимиз бироз кечикиб келадиган бўлди. Синфхонада турган ўн-ўн бештача эрки «Правец-8А» русумли ком-пьютерларга ишора қилиб бир синфдошим гап бошлади: «Эҳ, қани, энди бизга ҳам янги IBM компьютерлари берилса. Ахир, бу «Правец»-лардан дунё фойдаланмай қўйганига анча йил бўлган-ку! Кўшни мак-табга олимпиадага борганда янги компьютерларни кўриб ҳавасим келди». Ҳаммамиз хим қолдик. Тасдиқ маъносидида баъзилар бош чай-қаб қўйди. Дўстимиз ҳақ гапни айтганди, унинг фикрига қўшилмай бўлмасди. Информатика дарсига кирганда «Правец»да ўрганаётган билимимиз эртага бизга асқотармикан, деган шўба ўзимнинг ҳам кўнғилданм неча мартаба ўтган. Лекин биздан кейинги авлод тамо-нида бошқача шароитларда таълим олишига ишончим комил эди. Қарангки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, 2009 йилда мамлакатимизда «Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастури» қабул қилинди. Шундан бўён барча мактаблар замонавий қиёфа касб этиб, янги лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси билан таъ-минланмоқда. Энди мен ўқиган мактабда ҳам янги компьютерлар бор. Буни кўрган заҳоти информатика ўқитувчимизга юқоридаги воқеани айтиб бергандим. У киши: «Қандай шароитда таълим ол-манлар, барибир интилувчан синф эдинглар, хозирги ёшлар ҳам сизлардан сира қолишмайди. Уларнинг билим олишга иштиёқи ба-ланд, ахборот технологиялари ботида сену мени ортада қолдирди дейди-я», деб манунунят билан гапирди.

Алгебра ва геометрияга қизиқишимиз синф раҳбаримиз Норхол Аб-дурахимовга сабаб бўлган. Устоз мураккаб тенглама ва функцияларни шундай оддий қилиб тушунтирардики, рақамлар дунёсига фарқ бўлар-динг, киши. Мен, айниқса, математикадан синфларо раф беллашув-ларини яхши эслайман. Ана шундай тадбирлар натижасида мен ин-сон фақат ўз ақл-заковати билан ҳар қандай рақобатни енга олиши ва ҳеч қачон, ҳеч кимга енгилмаслигини тушуниб етганман.

Йиллар ўтиб, ҳар биримиз уялғамиз. Ҳаёт бизга кўп нарсалардан сабоқ беришда давом этаятир. Ҳозир атрофдагилар сизни яхши ин-сон деб аташса, билингни, бу сизга таълим-тарбия бериб, билимлар дунёсига олиб кирган азиз муаллимларнинг улкан меҳнати махсули-дир. Бунинг учун раҳмат сизга, устозлар!

**Наргиза БАҲОДИРОВА**



# МАҚСАД БИР, МАРРА — ЁШЛАРНИКИ!

Бухоро вилоят муסיқали драма театрида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг республика финал босқичи бўлиб ўтди

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ўтказилган ушбу танловда ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган ўн тўртта ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари жамоаси иштирок этди.

Дастлаб жамоалар вилоят марказий маданият ва истироҳат боғидаги мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйишди. Сўнг «Бухоро Палас» меҳмонхонасида Бухоро вилоят судлари ва адлия ходимлари билан учрашиб, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

## БИЛИМ, МАҲОРАТ, ТАЖРИБА

Жамоалар танловнинг биринчи шартига мувофиқ, ўзи таҳсил олаётган таълим муассасасида яратилган шароитлар, илмий ижод ва малакавий изланишлар учун мавжуд имкониятлар, сўнгги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган тақдирларни кўргазмали тарзда намойиш этишди. Бунда Наманган қурилиш ва дизайн коллежининг «Арк дизайн», Фарғона таянч тиббиёт коллежининг «Нурли келажак» ҳамда Хатирчи (Навоий) агросервис касб-ҳунар коллежининг «Адолат» жамоаси устунликка эришди. Бундан ташқари, Хоразм маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг «Статус», Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 3-академик лицейининг «Фемида» жамоаси чиқишлари ҳам томошабинларга кўтаринкилик бағишлади. Айниқса, қорақалпоқ жамоаси билдирган: ёшлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни кучайтириш, мамлакатимиз Бош Қомуси ва бошқа қонунларга оид маълумотлар тарғиботини SMS хабарлар орқали ташкил этиш лозимлиги борасидаги тақлифи муносиб баҳоланди. Иккинчи — савол-жавоб шартида Қизириқ (Сурхондарё) қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг «Парламент» жамоаси ўн тўрт жамоа ўртасида билим ва қобилияти, ҳуқуқий саводхонлигини намо-

ён этиб, катта устунликка эришди. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган видеоролик ёки тақдиротларни намойиш этиш вазифасини ўзида мужассам этган учинчи шартда бухороликлар юқори баллни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Шунингдек, мазкур шарт натижаси Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган ва Хоразм вилояти жамоалари учун ҳам омадли келди.

«Уй вазифаси» шартида гуруҳлар жамиятда учрайдиган айрим ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларни саҳна кўринишлари орқали намойиш этиш билан биргаликда, ушбу ҳолатларни бартараф этишга қаратилган тақлиф ва тавсияларини ҳам билдиришди. Бунда қорақалпоғистонлик, наманганлик, бухоролик ва жиззахлик ёшлар пешқадам бўлди.

Танловнинг «Ёшларга оид қонунчилик — ёшлар нигоҳида» деб номланган бешинчи шартида жамоалар таълим муассасаларида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги муҳокамаларига бағишлаб ишлаб чиққан тақлифлари асосида ўз тақдиротларини намойиш этди. Ушбу шартда бир қатор вилоят жамоаларининг чиқишлари юқори баҳоланди.

— Давлатимизнинг буюк келажиги, аввало, ёшлар қўлида. Улар орасида халқини, Ватанини севадиган, мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларини ҳурмат қиладиган йигит-қизлар



талайгина, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Мухаммаджонова. — Шуни фахр билан айтиш мумкинки, «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловида ана шундай кучли ҳуқуқий билим ва қобилиятга эга ёшларни кўриб, хурсанд бўлдик. Мавжуд қонунлардан ёшларимиз қанчалик хабардор, уларнинг тушунчалари, дунёқарашлари, сиёсий вазиятларга бўлган муносабатлари қандай? Бунга танлов иштирокчилари биз кутгандан ҳам яхшироқ жавобларни беришди. Мазкур танловнинг қуйи босқичларига бир ярим мингдан ортиқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидан эллик беш минг нафарга яқин ёшлар жалб этилди. Уларнинг 126 нафари танловнинг республика финал босқичига етиб келди. Бир сўз билан айтганда, «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловни эллик беш минг нафарга яқин ёшларимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги, тафаккури ва маданиятини мустаҳкамлади, янада чархлади.

## КУЧЛИ ЖАМОА — ҒОЛИБ!

Икки кун давом этган танлов натижаси кўпчиликини ҳаяжонга солгани айни ҳақиқат! Бири-биридан кучли жамоалар орасидан ғолибларни саралаш ҳам ҳакамлар ҳайъати аъзоларини ўз вазифаларига масъулият билан ёндашувга чорлади. Беш шарт якунлари бўйича баллар йиғиндиси тенг жамоалар яна

бир бор «Сардорлар беллашуви» орқали куч синашди. Натижада, биринчи ўринга Қорақалпоғистон Республикасининг «Фемида» жамоаси сазовор бўлди. Бухоронинг «Парламент» жамоаси иккинчи ўринни қўлга киритган бўлса, учинчи ўрин навоийлик ёшларга насиб этди.

— Ижтимоий фаол ва юксак маънавиятли инсонга хос фазилатлардан бири ҳуқуқий маданият эгаси бўлишдир. «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови жамиятимизга мана шундай ҳуқуқий маданият соҳибларини етказиб беришда муҳим пойдевор вазифасини ўтамоқда, деб ўйлайман, — дейди Наманган қурилиш ва дизайн коллежининг «Арк дизайн» жамоаси аъзоси Собитхон Мелихонов.

Дарҳақиқат, кўрик-танловда ҳар бир жамоанинг қайсидир жиҳатдан устунлиги эътиборга олинди, турли номинациялар бўйича тақдирланди. Унга кўра, Наманган қурилиш ва дизайн коллежининг «Арк дизайн» жамоаси «Энг намунали жамоа», Пайариқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сервис коллежининг «Ёш адолатчилар» жамоаси «Энг фаол жамоа», Қизириқ қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг «Парламент» жамоаси «Энг ҳозир-жавоб жамоа», Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги Нуристон академик лицейининг «Сенатор» жамоаси «Энг зукко жамоа», Фарғона таянч тиббиёт коллежининг

«Нурли келажак» жамоаси «Энг ташаббускор жамоа», Оққўрғон агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежининг «Парвоз» жамоаси «Энг фидойи жамоа», Тошкент иқтисослаштирилган хотин-қизлар коллежининг «Адолат» жамоаси «Энг тиришқоқ жамоа», Избоскан агросаноат касб-ҳунар коллежининг «Камолот» жамоаси «Энг шижоатли жамоа», Дўстлик тиббиёт коллежининг «Ҳуқуқ тарғиботчилари» жамоаси «Танлов кашфиёти», Гулистон иқтисодиёт коллежининг «Ёш ҳуқуқшунослар» жамоаси «Энг яхши саҳна ижроси» ҳамда Янгибозор маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг «Статус» жамоаси «Энг яхши гоя муаллифи» номинациясига сазовор бўлиб, ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик соғвалари билан тақдирланди.

## ЭНГ ЯХШИ САВОЛ ЭГАСИ

Бухоро нефть ва газ sanoati коллежида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида танлов жараёнлари ва натижалари тафсилотларига бағишлаб матбуот анжумани ташкил этилди. Қизгин баҳс-мунозара ва савол-жавоблардан сўнг «Энг яхши савол эгаси» деб топилган журналистлар Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши томонидан рағбатлантирилди.

Лайло ҲАЙИТОВА,  
«Turkiston» мухбири



## ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Пойтахтимизда бадиий гимнастика бўйича давом этаётган жаҳон кубоги босқичи ва «Harry Caravan» халқаро турнирида дастлабки ғолиб ва совриндорлар номи аниқланди.

«Harry Caravan» халқаро турнирининг жамоавий кўпкураш баҳсларида иштирок этган Анора Давлатова, Нилуфар Шомуродова ва Жасмин Юсу-

повадан иборат терма жамоамиз кумуш медални қўлга киритди. Гимнастикачиларимизнинг халқа, тўп, булава ва тасмада бажарган машқлари ҳа-

камлар томонидан 58,05 баллга баҳоланди.

— Турнирда муваффақиятли иштирок этганимиздан хурсандмиз, — дейди А.Давлатова. — Келажакда нуфузли мусобақаларда муносиб қатнашиб, давлатимиз байроғини бундан-да баландроқ кўтариш учун бор маҳоратимизни ишга соламыз.

Биринчи ўринни россиялик гимнастикачилар эгаллаган бўлса, бронза

медалъ озарбайжонлик қизларга насиб этди.

Гуруҳ баҳсларида ҳам спортчиларимиз муносиб иштирок этди. Тўп ва булавада машқ бажариш бўйича Комила Рустомова, Сабрина Рамазонова, Гўзал Райманова, Фарангиз Аҳмедова, Ирина Салех ва Карина Тоғаевадан иборат гуруҳ кумуш, Асал Аҳмедова, Саида Давидова, Нигина Кудратуллаева, Юлия Нуштаева ва Алена Грубовадан иборат гуруҳ бронза медаллари билан тақдирланди. Бу баҳсда олтин медалъ хитойлик гимнастикачиларга насиб этди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,  
ЎЗА мухбири



Бизнинг болалик йилларимизда жисмоний тарбияга одатда иккинчи даражада дарс сифатида қаралар эди. Ҳуқуқчилар «стадион» деб аталмиш тап-тақир майдонда футбол ё волейбол ўйнади, кизлар эса бизнинг убадаси чиққан тўпни таллашиб, тортишиб юрганимизни томоша қиларди. Жисмоний тарбия ўқитувчиси келмай қолса (бу кўпчилик мактабларда оддий ҳол эди), биология, тарих, физика, хуллас, кимнинг вақти бўлса, ўша «жисмоний тарбия» ўқитувчисига айланарди...

Бугун мамлакатимиздаги 9739 умумтаълим мактабининг қарийб 90 фоизи янгидан қурилган ва реконструкция қилинган спорт залларига эга. Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг барчаси замонавий жиҳозланган спорт заллари билан таъминланган. «Жисмоний тарбия» дарслигининг тайёрлиши ва етказиб берилиши мактабларда жисмоний тарбиянинг фақат амалий машғулоти эмас, балки илмий-назарий асосга эга фан сифатида ўқитилиши таъминлашга хизмат қилмоқда.

Спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган «Ёзги таътил», «Қувнок стартлар», «Соғлом оила», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Футболимиз келажаги», «Шунқорлар», «Камолот» шахмат тахтаси» каби қатор спорт тадбирлари, фестиваллар, мусобақалар миллионлаб болаларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштиришга жалб этиш имконини бермоқда.

Бунда таълим соҳасидаги уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол

# ҚУВОНЧУ ҲАЯЖОНГА ТўЛА МУСОБАҚАЛАР

*Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари самарасида чекка туман ва қишлоқларда ҳам кўркем бино ва иншоотлар, замонавий уй-жойлар, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, маданий-маиший, ишлаб чиқариш объектлари, кенг ва равон йўллар барпо этилмоқда. Шу жараёнда аҳоли, айниқса, ёшларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилаётган шароитлар хорижликларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлмоқда.*

«Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу беллашувлар орқали фарзандларимиз иродали, ҳаёт синовларига бардошли, ватанпарвар, жисмонан етук инсонлар бўлиб вояга етмоқда. Мазкур спорт анжуманларида иштирок этаётган ёшларимиз орасидан Ватанимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қиладиган маҳоратли спортчилар етишиб чиқмоқда. Олимпиада ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида совринли ўринларни кўлга киритаётган вакилларимиз сафида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларида кашф қилинган спортчилар кўп.

Ушбу ноёб тизимнинг ўрта бўғини — «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг финал босқичига бу йил Наманган вилояти мезбонлик қилади. Айни пайтда мамлакатимиз ёшларининг катта спорт анжуманида қатнашадиган Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари шакллантирилиб, тайёргарлик якуний босқичга кирди.

«Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларининг финал босқичида спортчи-ёшлар ўн олти спорт тури — баскетбол, волейбол, футбол, гандбол, теннис, стол тенниси, енгил атлетика, сузиш, бадий гимнастика, шахмат, дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, таэквондо, бокс ва оғир атлетика бўйича ғолиблик учун курашади.

2001 йили илк бор Жиззахда ўтказилган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига кейинги йилларда Андижон, Чирчиқ, Нукус ва Термиз шаҳрлари мезбонлик қилди. Ушбу мусобақаларда қатнашган ёшларнинг иқтидори ва маҳорати мунтазам ошиб бораётгани кўплаб спортчиларимиз халқаро майдонларда эришаётган ютуқ ва марраларда яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, Жамшид Искандаров ва Игорь Сергеев футбол бўйича мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси сафида Осиё ва жаҳон чемпионатларида муносиб тўп сурди. Бадий гимнастикачи Комила Тўхтаева, Вероника Есипова, Рафиля Фархуддинова, шахматчи Нодира Нодиржонова, Хулкар То-

ҳиржонова, енгил атлетикачи Руслан Қурбонов, Зарнигор Ортиқова, сузиш бўйича Ўзбекистон рекордчиси Юлдуз Кўчқорова қитъа миқёсидаги мусобақаларда бир неча бор шохсурага кўтарилди. Полвонларимиздан белбоғли кураш бўйича уч карра жаҳон чемпиони Рустам Умаров, кураш бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпиони Шайхбоз Саидмуродов каби спортчиларимиз эришаётган натижалар муҳлису мутахассислар эътиборини қозонмоқда.

Илгари шароит ва имконият йўқлигидан юзага чиқмай сўнган қанча-қанча истеъдодли ёшларнинг армонлари бугун фарзандлари тимсолида рўёбга чиқмоқда. Бугун олис қишлоқлардан Осиё ва жаҳон чемпионлари, Олимпиада совриндорлари етишиб чиқаётгани ҳеч кимни ажаблантирмайди. 25 йил олдин биз ҳақимизда деярли ҳеч нарса билмаган, эшитмаган давлатлар вакиллари Ўзбекистон ёшларини кучли рақиб сифатида тан олмоқда.

Бугун кўпгина кизлар андижонлик сузувчи Раънохон Омоновага ҳавас

қилади. Уч босқичли мусобақаларнинг барчасида — «Умид ниҳоллари — 2009», «Баркамол авлод — 2011» ва Универсиада — 2013 да ғолибликка эришган моҳир спортчи мамлакат чемпионатларида сузувчиларимиз орасида энг кўп — етти мартаба Ўзбекистон рекордини ўрнатди. 2012 йили Лондон Олимпиадасида қатнашиб, мутахассислар эътиборига тушди.

«Кичик Олимпиада» номини олган ушбу спорт анжуманлари минглаб ёшларимизнинг спорт соҳасидаги орзуларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда, — дейди Раънохон Омонова. — Боиси, ўқувчи ва талабалар иштирок этаётган ушбу спорт ўйинлари Олимпия тамойиллари асосида ташкил этилади. Мусобақалар Олимпия ўйинлари сингари машъала ёқиш маросими билан бошланиши ва ёпилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор.

Ёш спортчиларимиз учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтаётган «Баркамол авлод» мусобақаларига Наманган вилоятида катта тайёргарлик кўрилди.

Мусобақанинг тантана-

ли очилиш ва ёпилиш маросимлари «Навбахор» марказий стадионида бўлиб ўтади.

— Ёшлик ва спорт байрамнинг очилиш ва ёпилиш тантаналарини тайёрлашга Ўзбекистон санъат арбоби, таниқли режиссёр Рустам Шамсиддинов раҳбарлик қилмоқда, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Озода Усмонова. — Спорт майдонларида ҳар куни икки маҳалдан тайёргарлик олиб борилмоқда. Бадий манзара, оммавий рақслар, турли нақшларни чизиш устида ишланмоқда.

Мамлакатимизда бу каби тадбирлар катта шодияналар билан нишонланиши анъана тусига кирган. Буларнинг барчаси юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик туфайлидир. Зеро, тинчлик ҳукмрон юрдагина инсон буюк ва эзгу орзуларни кўнглига тугиши, ўз иқтидори, қобилияти ва салоҳиятини тўла намоёйиш этиши мумкин. Юрти тинч, кўнгли хотиржам халққа тўй ва тантаналар, байрамлар ярашади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи — юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқароларо тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни асраб-авайлаб келаётганимиздадир. «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақалари ҳам ана шундай қувончли, ҳаяжонли тадбирлардандир.

**Абу Бакир ҲОЗОВ,**  
**Ўза Шарҳловчиси**

## Yosh fermer — yurt tayanchi

Китоб туманидаги Бештерак қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Сапарча қишлоғида Юнус Ёрбоев бошчилик қилаётган кўп тармоқли фермер хўжалигининг довуғи бутун вилоятга тарқалган. Йигирма етти ёшли тадбиркор раҳбар бўлган тиниб-тинчимас бу жамоа ибратли ишларни амалга оширмоқда.

## ЯХШИ ИШЛАГАН КўП ТОПАДИ

— Мавжуд 78 гектар майдоннинг 45 гектарида ғалла, саккиз гектарида картошка, саккиз гектарида полиз, ўн гектарида озуқа экинлари ўстирялмиш, — дейди биз билан суҳбатда ёш фермер Юнус Ёрбоев. — Ўтган йили тармоқлардан 87 миллион сўм даромад олдик.

Дарҳақиқат, беш нафар доимий ишчи меҳнат қилаётган фидойи жамоада деҳқончилик билан бирга чорвачилик ҳам ривожланиб бормоқда. Ўттиз бош қорамол, ўттизта қўй-қўзи, иккита от парвариш қилинмоқда. Техника воситалари билан тўлиқ таъминланган.

— Келгусида ўн гектар майдонда серхосил узумзор барпо этишни режалаштирганмиш, — дейди фермер. — Паррандачилик ва балиқчиликни йўлга қўямиз.

Келган фойданинг бир қисми қишлоқдаги кам даромадли оилаларга ажратилмоқда. Кам таъминланган оилаларга яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, кўп тармоқли фермер хўжалигида махсулот етиштириш кўпайиб, даромад ортиб бормоқда.

**Шавкат КАРОМОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

## ИЖТИМОЙ ТАШАББУС САМАРАСИ

*Юртимизда ҳар бир ёшнинг унинг-ўсиши ва камол топиши учун барча имкониятлар мавжуд. Айниқса, жисмоний имконияти чекланган болаларга ҳунар ўргатиш, меҳнат қилиш кўникмаларини шакллантириш орқали уларнинг доимий даромад манбаларига эга бўлишларига кўмаклашиш мақсадида қатор нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети БМТ тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда Ижтимоий инновациялар ва кўнглилик» лойиҳаси доирасида, шунингдек, Lfdoshki.uz қўл меҳнати лойиҳаси билан ҳамкорликда ўтган йилдан буён «Моҳир ҳунарманд» ижтимоий мактаби лойиҳасини тизимли равишда амалга ошириб келмоқда.*

«Моҳир ҳунарманд» ижтимоий мактаб лойиҳаси ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган болаларга уларнинг келажагида асқотадиган қўшимча даромад олишларига ёрдам берадиган ҳунар ўргатишни асосий мақсад қилиб олган. Лойиҳа ўтган йилнинг ноябр ойидан Юнусобод туманидаги 87-сонли махсус мактабда амалга оширила бошланди.

Яқинда мазкур лойиҳанинг ниҳоясига етиши муносабати билан тақдимот маросими ўтказилди. Тадбирда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этиб, ўқувчилар ўз кўллари билан ясаган буюмларни кўришди. Лойиҳа доирасида мактабнинг беш нафар битирувчиси қовоқдан махсус маиший буюмлар тикишга бепул ўргатилди, амалий машғулотларда қатнашдилар. Бунда ўқувчиларга лойиҳа му-

аллифи ва раҳбари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси Шерзод Исломов ва тадбиркор Дмитрий Сорокин яқиндан ёрдам берди.

«Моҳир ҳунарманд» ижтимоий мактаби Шерзод Исломовнинг илк лойиҳаси эмас. Лойиҳа муаллифи айтиб ўтганидек, ноябр-март ойлари мобайнида давом этган мазкур лойиҳадан кўзланган натижаларга эришилди. Лойиҳа муаллифи мактабда ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларидан келиб чиқиб уларни меҳнатга, мустақилликка, ижодий фаолият ва ташаббускорликка йўналтириш асосий вази-фаси сифатида қўйилгани ва бунинг натижасида ёшлар кейинчалик ана шу ўрганган ҳунарлари билан тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари

мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

— Ўқувчилар билан ишлаш давомида уларнинг қизиқишларини кўриб жуда қувондик, — дейди тадбиркор Д.Сорокин. — Ўқувчилар қисқа фурсатда маҳаллий хом ашё ҳисобланган қовоқдан турли буюмлар ясашни, унга рангли расмлар солишни, тикув машинасида ишлашни билиб олдилар. Амалий машғулотлар давомида шогирдларимиз ўзлари тиккан буюмларни сотиш кўникмаларини ҳам эгаллашди. Бундан кейин улар яқин тартибда тадбиркорлик билан бемалол шуғулланишлари мумкин.

Биз ҳунарманд ёшлар билан ҳам суҳбатлашдик.

— Қовоқдан бир-бирига ўхшамаган бежирим буюмлар тикканимни кўрганлар ҳайратланишди, — дейди «Моҳир кўллар» ижтимоий мактаби ўқувчиси Рисолат Бахтиохунова. — Бундан кейин ҳам устозимнинг йўл-йўриқларини, ўғитларини унутмайман. Келгусида бу ҳунарим орқали уйда ҳам қовоқдан шундай буюмлар тикиб, ўз бизнесимни йўлга қўймоқчиман.

Ш.Исломов келгусида ўқувчилар ясаган буюмларни ҳамкор ташкилотлар кўмагида пойтахтимиз савдо марказларида сотишни ташкил этиш ва бу билан имконияти чекланган ёшлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам уларга кўмаклашиш мақсади борлигини айтиб ўтди.

**Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,**  
**«Turkiston» мухбири**



Салом, дугонажонлар. Эсон-мисиз,  
турмуш ийўларида қокимлай,  
манзилнинг сари кетаянсизми? Ҳар  
замон бўлса-да бизни эслаб  
турганингиздан хурсандмиз. Дил  
сўзлари битилган хатларингизни ўқиб  
севинамиз. Сиз: «Қизларжон,  
кўринмайсиз, «Dixlar daftari»да ана  
ганлашмайлик», дея ўзибсиз. Сездикки, сиз  
бизни, биз сизни соғинибмиз. Келинг,  
бирга дил дарфтарингизни varaқлайлик.



Мақтабда Турсуной  
билан яқин дугона  
эдик. Иккимизнинг  
болалигимиз бир кўча,  
бир гўшада ўтди.

## Сени соғиндим

Бизга бошқалар ҳавас билан қарар, катталар «дўстлигига кўз тегмасин, илоё», дейишарди. Афсуски, ундай бўлмади, орамиздаги меҳр-муҳаббатга кўз тегди. У қизларнинг гапига кириб, мендан узоқлашди. Эмишки, мен унга ҳасад қиларканман. Бўлмаган гаплар қайдан чиқди, билмайман. Баъзан ўртоғимни тушунгим келади. Аммо ишончсиз дўстликдан жаҳлим ҳам чиқарди. Биласизми, мен унга ўзимга ишонгандек ишонардим.

Усиз қийналаяпман. Худди юрагимнинг бир парчаси узилгандек.

Турсуной, дугонажон, биланман, мактубим, албатта, қўлингга бориб тушади. Мана, сен уни ўқияпсан. Мен сени соғиндим. Илтимос, ёнимга қайт!

Шайдо,  
талаба

## Нима қилай?

Дугонам кўнгил қўймай, ўзи билмаган, танимаган йигитга турмушга чиқди. У кўнгилсизман деяверарди. Катталар «кўнгил тўйдан кейин бўлади-да, ҳали шунақанги бир-бирингни яхши кўриб кетасанлар», дея уни рози бўлишга ундадилар.

Тўй ҳам бинойидек ўтди. Орадаги тушунмовчиликлар сабаб ёш оила ажрашди. Ушанда дугонамга «тўйни тўхтат, бахтинг учун кураш» дегандим. Тўйга розилигидан роса жаҳлим чиққанди. Тақдирни қарангки, бугун шу савдо менинг бошимда. Онам «яхши йигит экан, шунга турмушга чиқасан», дея оёқ тираб туриб олганлар. Уларнинг истакларига қарши чиқолмайман. Биламан, у киши менга ёмонликни раво кўрмайди. Нима қилай, ахир, у йигитда кўнглим бўлмаса? Онаминг раъйига қарай десам, тақдирим дугонамникига ўхшаб қолишдан чўчийман. Йўқ, десам...

Икки йўл орасидаман. Қай бирини танлай, дугоналар? Жавоб хатингизни интизорлик билан кутаман!

Наврўза,  
Тошкент вилояти

## Берган вағдалар қани?..

Одилбек акам билан коллежда танишдим. Бир кўришдаёқ бир-биримизни ёқтирдик. Муносабатларимизга оилаларимиз ҳам қарши бўлмади. Турмуш қурдик.

Тўйдан олдин улар «университетда ўқитаман, ҳали ишлайсан ҳам», дея ваъда бергандилар. Турмушга чиққанамга беш йил бўлдики, ҳамон ўқиш масаласи орқага сурилмоқда. Ҳозир иккита ўғлим бор. Болаларимиз ҳам катта бўлиб қолди. Одилбек акам энди ўқиш, иш ҳақида умуман оғиз очишга қўймапти. Менинг ўқиб, шифокор бўлгим келади. Қанчадан-қанча орзуларим бор, ахир. Наҳот, турмуш ўртоғим ваъда бериб, ваъдасида турмасан? Еки ҳаёт ўзи шундайми, яъни оила, фарзанд учун орзулардан қисман воз кечтирадиган?!

Ситора,  
Қашқадарё вилояти

## Нок тўйчулар қадрга муносиб

Тўйгулар... Турли-туман, ранг-баранг бўлади улар... Дўстлик, ишонч, ҳурмат, меҳр-оқибат, муҳаббат... Уларнинг ҳар бири ўзига хос. Ва барисининг бир умумийлиги бор: инсонга берилган бебаҳо тўхфа — ҳиссиёту тўйгулар ибтидоси — бу юрак!

Бугун тезкор замонда одамларда юрак ҳам ўзгараётгандек, гўё! Балки, бундай дейишимга тенгдошларим сабабчидир. Ахир, инсонга энг катта таъсир этувчи куч ён-атрофдагилар эканлиги сир эмас.

Катталар «ёшларга нима бўлган ўзи? Ҳеч нимани қадрлашмайди. Ҳатто севги ҳам уларга ўйинчоқ!» — дейишади куйиб-ёниб. Бу каби гапларга ё энсамиз қотади, ё жаҳлимиз чиқади. Муло-

ҳаза қилсак, бу гапларда жон бор экан, чиндан, но-зик тўйгуларни унчалик қадрламаётгандаймиз. Наҳот, не-не зотларни бирдек бўйсундирган бу буюк тўйғу замонимизда оддий ўйинчоқ даражасига тушиб қолса?! Кўнгли иши шунчалар осон бўлиб қолишига қачон улгура қолди экан?!

Дугонажон, яна эски гап бошланди, дейишга шошилманг! Токи сўз инсон, унинг ички олами ҳақида борар экан, у асло

эскирадиган мавзу эмас.

Айримлар ҳис-тўйгуларнинг «арзон»лашувига, асосан, йигитлар сабабчи, дейишади. Аслида ҳам шундайми?! Менимча, тўйгуларнинг қадрсизланишида йигитларнинг ҳам, қизларнинг ҳам бирдай «ҳиссаси» бор. Чунки «қарс икки қўлдан чиқади».

Айтишларича, муҳаббатнинг энг асосий ус-тунларидан бири меҳр бўлса, иккинчиси ишонч экан. Унда нега кимнингдир ортидан севдим, ўлдим, куйдим, дея гул кўтариб югуриб юрган йигитларимиз кези келса дўсти, курсдоши, танишига ўша қизнинг телефон рақами ёки бошқа маълумотини «тарқа-

тиб», ўзича шу қизни «синаб» кўрган бўлади. Ҳа, энди у ўғил бола-да, дерсиз. Аммо ўзбекчиликда уларни ўғил бола дейишмайди. Бу борада ҳар қандай «учар» йигитни ҳам доғда қолдираётган қизларимизни-чи, ким дейлик?..

Баъзан саволларга аниқ жавоб бору, аммо жавоб беролмаймиз. Негаки, ҳафсаламиз пир бўлиб, виждон баттар қийналиб кетади. Тўғри, менга нима, ўзимни билсам бўлди, дея қўл силтасам ҳам бўлади. Аммо бу менга ярашмайди, яъни айрим ўртоқларимга ачинаман.

Умида ИСМОИЛОВА,  
талаба

## Ёшнинг қўнғиллари

Нима бало овқатланмаганми?! Еб қўяман, дейди-я? Во-ой, кўзларини... Ойижон, кўрқиб кетаяпман. Қочсам-чи?! Осонликча жон беравераманми? Йўғ-е, у бари бир қувлайди-ку. Ушлаб олса, одамлим қолмайди. Тавба қилдим! Қаёқдаги ёмон нарсаларни ўйлайман-а?! Туф, туф, туф! Ундан қўра қаптираётганимни яшириб, мағрурлигимни бир кўрсатай! Зора шу билан у инсофга кирса.

Ий-йе-е, кўзини қисаяптими? Ҳи! Тўғриси, бўридаги бу хислатми, қобилиятми борлигидан беҳабар эканман. Юрибман экан-да, ўқияпман деб. Айтаман-да, кўзини қисганча... Шундайми? Тиржайишига энсам қотаяпти! Олдида маймун ҳақлақ отаяптими? Жа иржайгиси келса, циркка борсин эди. Бу ерда унга пишириб қўйибдимми?! Ойижон, ана у келаяпти. Ҳозир бошлаб таъзимини берса-чи? Тамом бўлдим, шекилли. Мабо-до сизни хафа қилсам, кечиринг!

— Салом, чиройли қиз!.. Гапираяптими? Тили бурроку, а!..  
— Танишсак бўладими? Сизни ёқтириб қолдим. Бошқача экансиз...  
Вой, ўлмасам, бу нима дегани?! У алжираяптими?!  
— Исмингиз ким?..  
Нима, нима? Энди бир камим бўри билан ади-бади қилишим қолганди. Мени ким деб ўйлапти?!  
— Хоҳласангиз, бирон жойда ўтирамин, суҳбатлашамиз.

Бу ёғидан хавотирланманг...

У чўнтагини ковлади. «Кўк»идан чиқарди. Ортиқ чидаёлмадим. Шошилганча автобусдан тушдим. Аммо индамадим. Сўзимнинг ҳавода муаллақ қолиб кетишини истамадим. Негаки, унинг бунақа ақлли гапларга тоқати йўқлигини билдим.

Йигитлар сўз қотганда жаҳл чиқади. Буниси эса ҳаммасидан ошиб тушади. Нималар бўлапти сизга?! Амакижон, сиз бўри эмассиз! Тўғрими? Қиз овламайсиз! Шундайми? Аммо баъзида билмай кўз уриштирайсиз-у, ёшингизни эслолмайсиз. Ўзингизни ўн саккиз яшар йигитча қиёслайсиз! Топдикми?! Бунақа эмас-да, энди! Бунақа эмас!

Тўмарис,  
Нукус шаҳри

Отам бир бой аёлни ёқтириб, ойим билан ажрашганда мен ҳали мактабга ҳам бормасдим. Ойим иккимиз ёлғиз қолдик. У киши мени ҳеч кимдан кам қилмай, дея савдога аралашди, бошқа турмушга чиқмади.

## Билим пулга сотилмайди

Нимани хоҳласам, дарҳол муҳайё қилдилар. Мақтабда синфнинг энг олди қизи эдим. Ойим кунлик харажатимга ортиги билан пул берар, доим қўлимда пул бўлгани учун дугоналарим даврасида ҳеч кимга «сўз бермасдим».

Бора-бора ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган бўлдим. Агар қанча кўп пулинг бўлса, хоҳлаган ишингни қила оласан, деб ўйлардим. Ўқишга иштиёқим йўқолди, фикру хаёлимни пул ўғирлади. Мана, ҳозир тиббиёт коллежини битириб, шифохонада ишляпман. Ишда ҳар куни билимсизлигимдан қоқиламан. Яқинда бир беморга укол қиламан, деб томирини ёриб олдим. Касбдошларимнинг олдида роса хижолат бўлдим. Дунёда пулга сотилмайдиган нарсалар жуда кўп экан. Бунини энди англаяпман ва яхши инсонлар кўмағида касбим сирларини ўрганапман.

Қадрдонлар, сизларни ўзимга яқин билиб, бу гапларни айтаяпман. Билим ҳеч қачон пулга сотиб олинмас экан. Шу боис вақтида ўқиб-изланинг, ўткинчи ҳою-ҳавасларга маҳлиё бўлманг!

Хумора,  
Урганч шаҳри



# Архарларни асрайлик

■ Tabiat mo'jizalari ■

**Нурота тоғларидаги тик қоя, баланд тепалик ва харсангтошлар бўйлаб гоҳо архарнинг сакраб юрганига кўзингиз тушиши мумкин. Орқа ва ён томонлари жигаранг – кўнғир тусдаги бу жонивор атроф-муҳитга уйғунлашиб кетганлигидан уни гоҳида пайқаш қийин. Жониворнинг жуссаси хонаки қўйдек келади. У тоғ ҳаётига мослашган бўлиб, озуқа ва сув танлаб ўтирмайди. Эшитиш ва ҳид билиш қобилияти яхши ривожланган.**

Қаҳратон киш — архарлар учун ҳақиқий синов. Бу пайтда уларнинг жунлари қалинлашиб изгирин шамол ва бўронда қолиб кетса ҳам жон сақлаш имконини беради. Ҳар қандай муҳитга кўникади, оғир шароитларга тез мослашади. Қорлар эриб, тоғлар ўзининг асл табиатини намоен қилганда жунлари сийрақлашади, жуфт туёқлари эса баланд харсангтошларда мустаҳкам тура олиши ва серҳаракат бўлишини таъминлайди.

Эрта баҳорда йўлбош-

чимиз Содиқ амаки ҳамроҳлигида қоялар бағри бўйлаб борарканмиз, кутилмаганда узоқдан архарлар тўдасига кўзимиз тушди. Ҳар қандай кишининг тинка-мадорини қуритадиган сўқмоқни аслада йўл ҳам деб бўлмасди. Йўлбошчимизнинг таъкидлашича, архарлар етарли озуқа топиш учун яйловлар излаб, бу ерга келиб қолган экан. Пастроқда сойнинг тошқин суви тошдан-тошга урилиб шовиллар, ҳаво уммонида эса аҳён-аҳёнда қанот қоқмасдан сузиб

юрган йиртқич кушлар кўзга ташланиб қоларди. Ҳали олдинда бизни табиатнинг хилма-хил манзаралари кутаётганини сезиб, юрагимиз ҳаққириб кетарди.

Архар кўчқорининг йирик шохлари буралган бўлиб, учлари ён томонга эгилганди. Ўзига ҳаддан зиёд ярашган шохлари безаккина бўлиб қолмай, тик қоялардан сакраганида ҳимоя воситасини ўтайди. Биз уларни четдан кузатарканмиз, кўчқорлар шохларини тозалаб «жанг» усулларини машқ қиларди. Шохларининг тўқнашувидеги шовқин бир зум ҳам тўхтамасди.


Тонгда тоғ этагидаги сой томон борарканмиз, жарликда эндигина ёруғ дунёга келган митти жониворни учратдик. Икки кўзи қоп-қора, кўзмунчоқдек. У ўрнида аранг турар, совуқдан қалтирарди. Биз йўлбошчимизнинг кўрсатмасидан сўнг тезда бир неча тошни бирлаштириб, қўлбола ўчоқ ясадик ва унда олов ёқдик. Жониворни ёнимизга олиб келдик. Совлиқ архар эса биздан

кўп узоқлашмас, атрофга олазарак бўлиб безовталанарди.

Афсуски, бугунги кунда архарлар сони жуда кам. Негаки, кўриқхоналар ихтиёрида бўлмаган ҳудудда четдан келувчи овчилар уларни бемалол овлайверишади. Тоғларни бу ноёб жониворларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, табиатда тирик мавжудотлар битмас-туганмас, деган фикрда бўлган кимсаларнинг хатти-ҳаракатлари ҳамон бизни таажжубга солиб келади.

Сафар давомида Нурота тизма тоғлари этагида жойлашган Кўйтош, Нарвон ва Осмонсой кишлоқларида жониворларнинг бундай ёвузликдан холи эканликларига гувоҳ бўлдик. Бу ерларда ёввойи кўйларнинг «Қизил китоб»га киритилган муфлон, архар ёки алқар деб номланувчи турлари жон сақлаб келаётир.

Табиатдаги тирик мавжудотларни кўриклаш, ғамхўрлик кўрсатишда йўлбошчимиз Содиқ ака каби табиат муҳофазаси ходимларининг хизмати



катта. Улар табиат гўзаллигини асраб, жониворлар билан инсонлар ўртасида меҳр-шафқат ҳиссини уйғотмоқда

Аслида, она табиатни асраш барчамизнинг бурчимиздир.

**Абдулла САИДОВ**

**Ёзни пишиқчилик фасли деб ҳам атайдилар.**

**Меваю сабзавотларнинг энг мазали ва ширинлари айнан ёзда пишиб етилади. Айни кунларда юртимиз бозорларида уларни кўп учратамиз. Шу сабаб, уларнинг фойда ва зарарлари ҳақида сизни огоҳ этишни лозим деб топдик.**

## Асалнинг ҳам ози ширин

### ГИЛОС

Гилос энг сара мевалардан. Унинг шарбати ҳаёт эликсири деб ҳам юритилади. Гилос қон айланиш тизимини яхшилаш билан бирга, стрессларга қарши курашади. Асаб билан боғлиқ муаммоси бўлганларга кўпроқ тавсия қилинади. Артрит касаллигининг олдини олишда унга етадигани топилмайди. Парфюмерия саноатида ҳам кенг фойдаланилади. Шифокорлар камқонликда тавсия қилишади. Кўп истеъмол қилиш эса, лоҳасликка олиб келади. Шунингдек, қандли диабет касаллигига чалиниш хавфини кучайтиради.

### ЎРИК

Бу тилларанг мева ажойиб хусусиятга эга. Хомлигида (довучча) қандай севиб истеъмол қилинса, пишганда ва қуритилганда ҳам (туршак) шундай ардоқли.

Ўрикнинг фойдали томонлари талайгина. Авваламбор, чарчоқни олишда устаси фаранг. Шунингдек, ошқозон фаолиятини яхшилашда ўртоқларига ўрناк бўлади. Юрак ва қон айланиш тизими билан яхши келишгани сабаб, бош оғриғини қайтиб келмас қилиб ҳайдайди. Ревматизм кассаллигининг энг катта душмани айнан ўрикдир. Аммо кўп ейиш диареяга олиб келади. Яъни, ичак фаолиятини тез издан чиқаради.

### ҚУЛУПНАЙ

Қулупнай организмни зарарли моддалардан тозалашда фаоллик кўрсатиши билан ажралиб туради. Инсон организмнинг қаришини секинлаштиради. Унинг таркибидаги ферментлардан бири кашандалик ва саратоннинг олдини олишга қодир. Шарбатидан мунтазам ичиб туриш эса буйрак ва жигарнинг иш самарадорлигини оширади. Уйқусизлик, анемияга қарши курашишда у яхши восита. Бироқ ошқозонда муаммоси бўлганларга тавсия қилинмайди. Бўғим касаллиги, аллергияси борлар бу мевадан узоқроқ юрганлари маъқул.

### ТУТ

Мевалар ичида тутнинг ўз ўрни бор. Тут организмдаги моддалар алмашинувини яхшилаш билан бирга, буйрак, жигар, ошқозон ва ичак фаолиятини яхшилади. Кўп истеъмол қилишнинг зарари йўқ. Дисбактериозни самарали даволайди. Бироқ истеъмол қилиш мумкин бўлмаган ҳолатлар ҳам мавжуд. Асосан, қандли диабет ва гипертонияга чалинган вақтларда ейиш ярамайди. Совуқ сувда узоқ қолиб кетганини истеъмол қилиш организмга зарар келтиради.

**Манбалар асосида Жавахир КАРОМАТОВ тайёрлади**

## Машаққат меваси

**Бир ўтиришимизда паққос туширадиган бир пиёлагина асални минг бир машаққат билан тўловчи ҳашаротларнинг ҳам ўз ҳаёт тарзи, ташвишлари бор. Гулдан-гулга кўниб, хушбўй, шифобахш ширинликни етиштириб берувчи асаларилар жуда меҳнаткашлиги ва ўзаро иноқлиги билан кишини ҳайратга солади.**

Она асалари биров каттароқ бўлиб, оила маликаси ҳисобланади. Ҳаддан ташқари ардоқланадиган ва қадрланадиган уй маликасига бошқалари бўйсунди. Уясида айланиб юрганида канизақлари мўйловлари билан силаб-сийпаб унга йўл кўрсатишади. Овқатини чайнаб бериб, меҳр билан парваришлашади. Қувватини ошириши ва кўпайиши учун у тинмай озикланиши керак. Мавсум давомида она асалари мингга яқин уруғ кўяди. Уруғдан чиққан личинкалари дастлаб ночор бўлиб, аста-секин она арини ялаб, унинг ҳидини эслаб қолишади. Бу ҳид билиш қобилияти ва таниб олиш имкониятини беради.

Баҳор чоғи ўсимликлар авж олиб ривожланади. Уларнинг нафис ифори атрофга таралади. Бепоён кенглик ва адирлар барча ҳашаротларга саховат кўрсатади. Гулларнинг хушбўй ифори асалариларни оҳанрабодек ўзига жалб қилади. Бу ҳашарот барқ уриб гуллаб турган чечакларнинг олдиндан ҳеч қачон бефарқ ўтиб кетолмайди.

Кунлар исигач, асаларилар қутидан ташқарига чиқади. Офтоб нурида тобланиб,

камҳаракат ва нозик қанотларини учиш учун ҳозирлайди. Муваффақиятлар кўпроқ уларнинг ана шу нозик қанотларига боғлиқ. Асаларилар гулдан-гулга ўтганларида оёқларидаги митти панжаларига гулшира ўрнашиб, ўсимликни чанглантиради ва хизматларига яраша «мукофот» олишади. Ўз навбатида мумкатакларни шифобахш асалга тўлдиришади. Улар кун бўйи дала кезиб, эрта баҳордан то куз охиригача бол йиғишади.

Асалариларнинг мўъжаз «кулбаси»даги уялар улкан қурилмани эслатади. Уялит организм, дейилса муболага бўлмайди. Бир қарашда асаларилар галаси тартибсиздек кўринса-да, диққат билан разм солиб, уларнинг уюшган жамоа эканини пайқаш қийин эмас. Оилада ҳар бир асаларининг тақсимланган вазифаси бор. Масалан, янги дунёга келганлари митти қанотлари кучга тўлгунча уяда тозалikka жавобгар бўлишади. Она ари эса уруғ қўйиш ва назорат ўрнатиш билан машғул. Қолганлари шарбат ташиб, гул чангини йиғади. Улар асалбоп ўсимликлар ҳақида бир-бирларига хабар берувчи мураккаб сигнал системасига ҳам эга.

Хоналарни шамоллатиб мўътадиллаштириш, эшик олдида «кўриқчилик» қилиш каби қатор вазифалар ҳам ўзаро тақсимланган. Хуллас, уларда бекор вақт йўқ. Бу эса худди одамлар жамиятини эслатади.

Кузатамиз: бир пайт улар бошпанаси атрофида чумчуқсимонлар оиласига мансуб узун тумшукли олақанот қарқуноқ пайдо бўлди. Асаларихўр куш «кик-кик»лаб баланд овозда уларни таҳликага солиб, қанотларини гоҳ силкитиб, гоҳ ёйиб, тез-тез уча бошлади. Яхшиям кичик фермер хўжалиги аъзолари ҳушёр туришган экан, хавф тезда бартараф этилди, беғуноҳ асаларилар «йиртқич» чангалидан озод этилди.

Асалариларнинг энг катта душманларидан бири бу текинхўр қовоқаридир. Қовоқари ҳажман улардан беш баробар катта. Танасидаги оқ-сарик, йўл-йўл чизиклар унинг хатарли эканлигидан далолат. Жағи билан рақибининг бошини узиб олиши ҳеч гапмас. Ниши қурбонини эритиб юбориши мумкин. Лекин асаларилар ҳам қараб турмайди, ҳимоя қуроли бор. Мумкатаклардаги йиғилган озуқасини ошонликча олдириб қўймайди.

Ўз касбининг фидойилари бўлган асаларичилар ҳам оғзидан бол томувчи асалариларнинг тинч ва осойишта яшашини таъминлашга масъулдир. Зеро, асал йиғиш ҳам машаққат мевасидир.

**Матлуба БАДАЛОВА,**  
педагог



■ Menga so'z bering ■

# ТИНЧЛИК — УЛУФ НЕЪМАТ, УНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

*Ҳар тонг янги кунни бошлар эканман, шу юрт фарзанди эканлигимдан юрагим ифтихорга тўлади. Насибам шу заминда бўлганидан Яратганга шукрлар айтаман. Жонажон юртимда инсон қадрлари ҳар нарсадан устун, барча ислохотлар шу юрт фарзандларининг келажаги, унинг манфатлари учун хизмат қилади. Ҳукуматимиз ҳам ёшларни эртанинг ишончи, таянчи, ҳал қилувчи кучи, дея қадрлайди. Уларга барча шарт-шароитларни яратиб, имкониёт эшикларини очмоқда. Ундан оқилона фойдаланиш бизнинг бурчимиз.*

Журналистикага бўлган қизиқишим эрта уйғонди. Зиёлилар оиласида туғилганман, уйимизда кичик кутубхонамиз бор эди. Мактабда

ўқиб юрган кезларим кутубхонамиздаги барча китобларни ўқиб чиққан эсимда.

2006 йилда Денов туманидаги 20-мактабни тамомла-

дим. Сўнгра Ўзбекистон электрон Оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази томонидан ташкил этилган ўқув семинар тренинглари ва кўчма семинарларда қатнашиб тележурналистика соҳасидаги билимларимни оширдим.

2007 йилда «Денов АТР» телевидениеси ахборот дастури муҳаррири вазифасида иш бошладим. Фаолиятимда назарий билимларим, кичик тажрибам амалда ёрдам бера бошлади. Натижада Сурхондарё вилоятининг кўҳна тарихи, урф-одат

ва анъаналари, ижтимоий-сиёсий ҳаётига бағишланган 150 дан зиёд кўрсатув ва ин-формацион лавҳалар тайёрлаб эфирга узатишга муваффақ бўлдим.

Инсон қанча ўз устида иш-ласа, изланса, илм эгаллашга интилса, эртанги кунни шунча ёруғ ва ишончли бўлади. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида ўқиб юрган кезларимда «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландим.

Илмий мақолаларим «Телефаккур», «Ўзбекистон матбуоти», «ЎЗМУ хабарлари», «Талабалар дунёси», «Саодат» жур-

налларида, бадий-публицистик мақолаларим эса «Ўзбекистон овози», «Turkiston», «Моҳият», «Хуррият» «Чағониён», «Маърифат», «Гулчеҳралар», «Сурхон тонги», «Jurnalst plus» газеталарида эълон қилинди. «Ахборот технологиялари ва Интернет журналистикаси» номли илмий кўлламанам чоп этилди.

Шу ўринда Ватанимга, яқинларимга битта нарсани ишонч билан айтгим келади: биз, ёшлар, бугунимиз ва эртанги куннинг муносиб эгалари бўламиз, ҳали жаҳон майдонларида нималарга қодир эканлигимизни исботлаймиз. Юртбошимиз ишончига, албатта, қобилиятимиз, билим салоҳиятимиз билан муносиб жавоб берамиз.

**Жамшидбек НАМОЗОВ,**  
**«Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлик жамияти» ижрочи директори,**  
**«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби**

■ 2014-yil — Sog'lom bola yili ■

— *Жорий Соғлом бола йили биз, шифокорларга янада катта куч, ғайрат-шижоат бахш этмоқда, — дейди оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари Саодат Норбўтаева.*

## БОЛАНИНГ СОҒЛИГИ — ОНАНИНГ БАХТИ

Дарҳақиқат, тиббиёт бирлашмасига қарашли акушерлик мажмуаси шифокорлари томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури талабларини бажариш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирга қадар шаҳарда истиқомат қилаётган 22 минг 382 нафар туғиш ёшидаги аёлларнинг 9031 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. Соғлом ва баркамол оилаларни қарор топтириш мақсадида эса оила қуриш истагида бўлган ёшлар тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Эрта никоҳнинг олдини олиш, вояга етмаган ўғил ва қизларни оилавий ҳаётга пухта тайёрлаш учун маҳаллаларда, касб-хунар коллежлари ва мактабларда режа асосида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётир. Туман ФХДЭ бўлими, хотин-қизлар кўмитаси ва шифокорлар ҳамкорлигида ҳозиргача 162 та суҳбат ва маърузалар ўтказилган.

Тажрибали акушер-гинеколог Саодат Норбўтаевага камарбаста бўлиб ишлайётган ёшлар талайгина. Ҳозирда Феруза Ёрматова, Муҳайё Усмонова, Адолат Бойматова, Дилфуза Ражабова сингари акушер-гинекологларнинг, Нигора Отажоновадек болалар шифокорининг заҳматли меҳнатлари таҳсинга сазовор.

Айни дамда эса Ширин Бадалова, Хулкар Қўшматова, Юлдуз Тошпўлатова, Мамлакат Олимова, Мунаввархон Зокирова, Дилобар Бекмуродова, Шарифа Эшонқулова, Шоҳида Зиёдуллаева, Дилфуза Сабурова, Дилафрўз Қодирова, Раъно Қўзибоева каби фидойи доя ва ҳамширалар меҳнати туфайли туғруқ жараёни бекаму кўст ўтказилиб, болага дўстона муносабат таъминланмоқда.

**Ашуралӣ БОЙМУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**



Рустам Назарматов олган сурат

## ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

*Ҳар бир оила — бир олам, жамиятнинг ўзига хос кичик уюшмаси бўлиб, тарбия ишида ўзига хос хусусиятларни намоён этади. Шу сабабли оилавий тарбиянинг шакл ва услубларини умумлаштириш ва унга бирор-бир тавсия бериш осон эмас. Ота-оналар қанчалар маънавий-ахлоқий, эътиқодли ва билимли бўлсалар, фарзандларини ҳам шундай яхши тарбиялайдилар.*

Ҳозирги замон оилалари мавжуд жамият билан узвий боғлангандир. Шаҳарларнинг ўсиши, яшаш шароитларининг яхшиланиши, халқнинг моддий ва маданий турмуш савиясининг ошиши ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашга таъсир қилади.

Оилавий тарбиянинг

мақсади ва мазмуни бир-биридан маълум даражада фарқ қилади. Бу фарқлар миллатларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, демографик, ижтимоий-тарбиявий ва маҳаллий шароитлар билан белгиланади.

Тарбия масаласига ёндашадиган бўлсак, кам болали оилаларга

нисбатан кўп болали оилаларда болалар тарбияси анча енгил кўчади. Чунки кўп болали оилалардаги болалар ота-оналарининг хатти-ҳаракатларини, айниқса, бир-бирларига бўлган дўстона муносабатларини, уйдаги турли хил вазифаларни сидқидилдан бажаришларини, кичикларнинг катталарга одоб билан муносабатда бўлишларини табиий ҳолда кўрадилар, кузатадилар.

Ўзларида ҳам ана шундай ахлоқий сифатларни шакллантириш истаги вужудга келади. Шу сабабли бир қанча болалари бўлган оилада ота-оналарнинг ғам-хўрликлари ўзига хос хусусият касб этади. Бундай ғамхўрлик тенг тақсимланган бўлади. Ҳамма оилада бола

ёшлигидан жамоага мослашади, ўзаро алоқалар асосида тажриба тўплайди. Агар оилада катта ва кичик болалар бўлса, улар ўртасида муҳаббат ва дўстлик қарор топади.

Кузатувлар қаерда кўп болали оила мавжуд бўлса, бундай оилада меҳнатсеварлик, дўстона муносабат, виждонлилик каби тарбиявий сифатлар тезроқ шаклланишини кўрсатмоқда.

Ота-оналар ўзлари ҳалол, пок, меҳнатсевар ва билимли бўлсалар, бундай оилада камол топаётган ёшлар ҳаётда муносиб ўрин эгаллайдилар.

**Муҳаббат**  
**НОРҚОБИЛОВА,**  
**2-республика тиббиёт коллежи ўқитувчиси, психолог**



«Barkamol avlod — 2014»

## СПОРТ БАЙРАМИГА ТАРАДДУД



**Мамлакатимиз ўқувчи-ёшларининг нуфузли спорт байрами — «Баркамол авлод — 2014» республика мусобақаларига тайёргарлик доирасида Наманган давлат университети талабалар турар-жойида ҳам реконструкция ва қурилиш ишлари амалга оширилди.**

«Дегрес қурилиш» хусусий корхонаси томонидан бажарилган бунёдкорлик ишлари тўғрисида турар-жой биноси янгича қиёфа касб этиб, сув ва электр тармоқлари янгиланди, иситиш қозонхонаси ўрнатилди. Замонавий жиҳоз ва мебеллар билан таъминланган турар-жойнинг атрофи ободонлаштирилиб, 300 ўринли ёзги ошхона ҳам барпо этилди.

Мазкур иншоот «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақасининг 520 нафар иштирокчисини ўз бағрига олади.

**СУРАТДА:** Наманган давлат университети талабалар турар-жойи меҳмонларни кутмоқда.

**ЎЗА фотомухбири Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар**



Kela jakka qadam

## МАКТАБДАН — КОЛЛЕЖ ВА ЛИЦЕЙЛАРГА

**Май ойи охирлаб бораверса, мактаб битирувчилари қалбида ўзгача ҳаяжон пайдо бўлади. Йиллар давомида қадрдон бўлиб қолган масканни тарк этиб, катта ҳаётга қадамни қўйиши бир томондан қувонтирса, бошқа томондан бировз иккилантириши табиий.**

Бизнинг ўқув даргоҳимизда 530 нафар ўқувчи бўлиб, ўтган 2012-2013 ўқув йилида 65 нафар йигит ва қиз етуқлик шаходатномасини қўлга олишар экан, ўз қизиққан соҳаси бўйича вилоятимиздаги турли касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттириш истагини билдиришган эди. Ўқув йили давомида битирувчиларимиз билан ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича доимий сўровнома-

лар олиб борганлигим ижобий натижа бериб, улардан йигирма нафари Жиззах туман маиший хизмат кўрсатиш, ўн саккиз нафари иқтисодиёт, олти нафари тиббиёт касб-хунар коллежларида, етти нафари ҳарбий курсларда, қолганлари академик лицейда таълимнинг кейинги босқичини давом эттиришди.

Жорий ўқув йилида ҳам 9-синф ўқувчилари ўртасида касб-хунар

коллежлари ва академик лицейлардаги барча йўналиш ва мутахассисликлар ҳақида маълумотлар тарқатилди. Қолаверса, бўлғуси ёш мутахассисларнинг соғлом турмуш тарзини яхши йўлга қўйиш, жисмоний, интеллектуал ҳамда маънавий жиҳатдан етук, ҳар томонлама билимли ва изланувчан ёшлар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Жумладан, мунтазам равишда бу йилги олтмиш етти нафар битирувчига ўрта махсус таълим масканларига оид маълумотлар бериб борилди.

**Машхура ФУЛОМОВА,**  
**Жиззах туманидаги**  
**1-мактабнинг амалиётчи**  
**психологи**

### ВАТАН МАДҲИ

*Диллари қувончга тўлиб туради,  
Юзлари севинчдан қулиб туради,  
Бахт-иқбол нелигин билиб туради,  
Ватанни жонидан севган одамлар.*

*Орзу-умидининг ўзи бир жаҳон,  
Халқ, миллат шаънини қуйлайди ҳар он,  
Она юрт тупроғин айлар гулистон,  
Ватанни жонидан севган одамлар.*

### ҚИШЛОҒИМ

*Гўзал қишлоғимнинг боғлари сўлим,  
Меҳр ила боқаман — ёришар дилим.*

*Тоғлари виқорли, толлари мағрур,  
Шавқати қалбларда уйғотар ғурур.*

*Гўзал қишлоғимнинг боғлари сўлим,  
Уни таърифлашга ожиздир тилим.  
Гиёҳи шифодир, сувлари зилол,  
Ҳавас ила боқар самодан ҳилол.*

*Гўзал қишлоғимнинг боғлари сўлим,  
Хушбўй гулларида айлансин жоним.  
У менинг борлигим, нурли бўстоним,  
Ҳали ёзилмаган шонли достоним.*

**Ўрайхол ҚҰЛДОШЕВА,**  
**Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани**

Yoshlik ilhomi



## Беш қоп танга билан

Хитойнинг Шандун вилоятида исми ошкор этилмаётган киши янги сотиб олган машинаси учун ҳар бири бир юан бўлган беш тонна танга билан пул тўламоқчи бўлди.

Бироқ сотувчи тангаларнинг фақат 2,5 тоннасини қабул қилди. Харидор қиймати 100 минг юан (16 минг доллар) бўлган автомобил сотиб олган. Маълум бўлишича, мижоз қоғоз купюралар эмас, балки фақат тангалар билан пул тўлаши ҳақида олдиндан огоҳлантирган. Салон маъмурияти бунга рози бўлган. Полиэтилен пакетдаги тангаларни санаб чиқиш учун бутун автосалон ходимларини жалб этишга тўғри келди ва бир неча соат давомида фақатгина 50 минг дона танга санаб чиқилди. Маълумотларга қараганда, қолган пулни кредит карта орқали тўлашни сўраган автосалон ходимларининг илтимосини харидор ерда қолдирмаган.

## Анъана бекор қилинди

Испанияда «коррида» (буқалар жанги) томошаси илк маротаба бекор қилинди

Маълум бўлишича, бунга буқанинг сўнгги 35 йил мобайнида биринчи маротаба учта матадор (буқа билан олишувчи)га тан жароҳати етказгани сабаб бўлди. Мадридда бўлиб ўтган томошада учта матадор касалхонага жўнатишган. Улардан биттасининг аҳволи оғир. Эслатиб ўтамиз, буқалар жангида махсус боқилган буқалар иштирок этади. Ҳар бир буқа коррида томошасида одатда бир маротаба иштирок этиши мумкин. Ўйин қоидаси бўйича, буқа матадор қўлида жон бериши керак.

## Янада қулай

Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида «Франческо пиццерияси» пицца тарқатишда дронлар (учувчисиз парвоз қилувчи қурилма)дан фойдалана бошлади.

«Дастлабки тажриба буюртмасини муваффақиятли бажардик. Дрон пиццериядан 1,5 километр масофа узоқликда жойлашган мижозга пиццани тез ва хавфсиз етказиб берди», — дейди пиццерия директори Михел Ражани. Шаҳардаги автомобил йўлларининг тирбандлиги сабаб, пиццерия эндиликда дронлар ёрдамида пицца етказиб бериш амалиётини мунтазам фойдаланмоқчи. Таомни мижозга дрон орқали етказиб бериш нисбатан анча арзонга тушиб, тез амалга ошади.

## Имо-ишоралардан англайди

Таиваннинг «НТС» компанияси янги смартфонни энди буйруқларни имо-ишоралардан англайди

Янги «НТС M8 Prime» смартфонни эски флагман смартфонларига хос дизайнни сақлаб қолди. Фақат янада ингичкароқ ва каттароқ кўринишга эга бўлди. Унинг корпуси алюминий ва кремний аралашмасидан иборат бўлиб, бу телефоннинг қизиқ кетишининг олдини олади. Смартфон 5,5 дюймли экран, тўрт ядроли процессор, уч гигабайт тезкор хотира ва 16 гигабайт ички хотирага эга.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**



Bu shunday yuz bergan edi...

# НОН

## ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?



Инсоният нонни ўн беш минг йилдан буён истеъмол қилади. Қадимги аждодларимиз кўп асрлар муқаддам ўсимликлар донларидан таом — нон тайёрлашни ўрганишган. Дастлабки нонлар пиширилмасди. Кўринишидан улар буғдой ёрмаси ва сув қўшилган бўтқани эслатарди. Бундай «нон бўтқаси» Африка ва Осиёнинг айрим мамлакатларида ҳамон истеъмол қилинади.

Олов кашф қилиниши билан буғдойни пишириб ейишга имконият туғилди. Археологларнинг тахмин қилишича, буғдой бўтқасини тайёрлаш жараёнида масалликнинг бир қисми тасодифан қиздирилган тошга тўкилиб, доира кулчага айланган. Уни пишган ноннинг дастлабки намунаси деб қабул қилиш мумкин. Шундай қилиб, дунёда новвойлик касби пайдо бўлди. Антик дунёда ушбу касб эгалари ниҳоятда обрўли кишилар ҳисобланган ва юқори лавозимларни эгаллашган.

аввалгиларига қараганда ширинроқ ва ширмой бўлиб чиқади.

Кейинчалик оширма хамир қориш сирларини юнонлар ва римликлар ҳам ўзлаштиришди. Қадимги Юнонистонда ширмой нон ниҳоятда тансиқ егулик ҳисобланиб, фақат бой-бадавлат одамлар дастурхонида бўларди. Антик дунёда нон олтин билан тенг кўрилган. Нон-сиз овқатланиш гуноҳ ҳисобланади. Хатто Олимпиада ўйинлари чоғида спортчилар учун махсус таом сифатида нон пиширилиб, зайтун меваси ва балиқ билан тортиқ қилинган манбалардан маълум. Ҳиндистонда эса оғир жиноят содир этганлар жазо тариқасида нон ейишдан маҳрум қилинган.

Қадимги Юнонистонда нонни фақат бадавлат одамлар истеъмол қилган.

сизлиги туфайли нон учун қорилган хамир ачиб қолади. Шўрлик жазоланишдан қўриқиб, ачиган хамирдан таваққалига нон пишириб кўради. Бу нон

Бугунги кунда дунёда юзлаб нон турлари мавжуд. Улар, асосан, буғдой, жавдар, арпа, маккажўхори, гуруч, тарик, сулидан тайёрланади. Қадимги Миср, Рим ва Юнонистонда фақат жавдар нонлар истеъмол

қилинган. Шотландия ва Швецияда сули, Венгрия, Руминия, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларида маккажўхори, Ҳиндистон ва Жанубий Кореяда, асосан, гуруч ундан нон пиширилади.

Турли халқларда ўзига хос новвойлик анъаналари шаклланган. Масалан, Ҳинд миллий нонлари чапати, Мексикада тортилья, Хитойда баобин, славян халқларида қалач, Эфиопияда инжера, арчоғида лаваш, озарбойжонларда чуррак, грузинларда мадаули, шоти, трахтинули, саожано, маргвали, кутхияни деб аталади.

Юртимиз ҳудудларида ҳам ўзига хос хилма-хил нонлар ёпилади. Тошкентда ёғли, жиззали, пиезли, юлдузча ва гижда патирлар, обинон, жайдари ва седанали нонлар, Хоразмда саватдек-саватдек келадиган гўшти патирлар, Фарғона водийсида оби нон, оби жимжима, гўшти, ёғли, чап-чап, гижда патир, қашқар патир, қатлама

Антик дунёда новвойлар юқори лавозимларни эгаллашган.

ванд, оби хол олча гули, ширмой кулча, кунгурали ширмой нонлари машҳур.

Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳасида тайёрланадиган нонлар, оби яққафо, гахсаки, нони заргарон, Ҳиндуги, фатирри қашқари, ширмоли дужуфт, тафтон, тафтони ду без, нони пароқи, осиеий, пўлодий, жаззаин, кулчаи равғаннин, оби жимжима, турфон, нони хаман, кулободи, забони гов, сохта ширмол, ширмоли седана пайванд, ширмоли оби холи олчагули, нони саланг, лаваш, чуррак, давра, совғатин нақшин, уй нони, қўшалок барака кулча, куёв ширмой нони, паркуп, кунжутли оби, седанали оби, кунжутли патир ва бошқалар мавжуд.

Манбалар асосида Наргиза БАҲОДИРОВА тайёрлади

Ринг спорти	Тошкентча дада	Тетик, бардам	Кўникма, ни тажриба	Эрта баҳор	Тиканли тул тури	Кема ошпази
Қандил-боп шиша	Қўшқават уй айвончаси	Само, фазо	Хандак, чоҳ	«...-кола» (ичимлик)	Ҳавас, истак	Ҳеч қачон, зинҳор
Суворина-майдаган экинзор	Дарахтнинг ёш шохи	...нг ба-роридан келсин	Салом-...	Суюқлик ўлчов бирлиги	Жак ...Кусто (сайёҳ)	
Адишер... (актёр)	Олтин, зар	Балиқ уруғи	Маҳрум, жудо	...-кесил		

## Иродали ғалаба

Ҳамюртимиз Денис Истомин Германияда бўлиб ўтаётган «Dusseldorf Open» турнирининг иккинчи даврасида иродали ғалабага эришди.

Маҳоратли теннисчи австралиялик Жейсон Кублерни 3:6, 6:4, 6:2 ҳисобида мағлуб этди. Энди у чорак финалда дунё рейтингда 33-ўринда бо-раётган италиялик Андреас Сеппигага қарши кортга тушади.

## Футболчиларимизнинг навбатдаги учрашуви

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 27 ва 29 май кунлари Уммон термасига қарши ўртоқлик учрашувини ўтказди.

Ўйинларнинг биринчиси Олмаликдаги «ОКМК» спорт мажмуасида ва иккинчиси Тошкентдаги «Жар» стадионида бўлиб ўтади. Уммон делегацияси Тошкентга шу ҳафта охирида келади. Маълумотларга қараганда, Уммон бош мураббийи Пол Ле Гуэн жанговар таркибни олиб келади.

## Атлетикачимиз муваффақияти

Ўзбекистон терма жамоаси вакили Светлана Радзивил Пекин шаҳрида ўтказилган «IAAF World Challenge» мусобақасининг бешинчи босқичида 1 метру 95 сантиметр баландликни забт этиб, қумуш медал эгаси бўлди.

Мусобақа олтин медалига хорватиялик Ана Шимич сазовор бўлган бўлса, Испания вакили Рут Бейтиа бронза медални қўлга киритди. Эслатиб ўтамиз, 2010 йили Хитойда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида Светлана Радзивил олтин медалга сазовор бўлган эди.

Жавоҳир КАРОМАТОВ, «Turkiston» муҳбири

## ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Нидерландия — Голландия, Болгария — Булғористон, Германия — Олмония, Ҳабаристон — Эфиопия, Венгрия — ...

Жумлани бир сўз билан давом эттиринг.

Жавобингизни 27 май соат 16.00 га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамларига кўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Бешкирти — болаларни ёшлигида аташтириш (фотиҳа қилиб қўйиш) одати. Навоий шаҳридан Нурхон Яндашева, Андижон шаҳридан Умида Расулова тўғри жавоб йўллашди.

## YONDAFTARCHANGIZGA

Яшаш дарбозаси остонасидан, Зарҳал китоб каби очилур олам, Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат, Фурсатдир қилгучи азиз, муқаррам.

Фафур Фулом